

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети**



**ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА
АСОСЛАРИ
маърузалар матни**

Тошкент - 2013

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети

**«ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА
АСОСЛАРИ»**
маърузалар матни

Тошкент - 2013

Ушбу маърузалар матни университет журналистика факультетларининг «тележурналистика асослари» ўқув предмети бўйича бакалавр ва магистратура курслари учун мўлжалланган. Маърузалар матнида телевидениенинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, оммавий ахборот воситалари тизимида телевидениенинг ўрни ва аҳамияти, ўзига хос хусусияти, жамиятдаги вазифалари, табиати, кўрсатув, дастур, канал, журналистик ижод ва фаолият мавзулари берилган.

Маъруза матнини тузувчи: Филология фанлари номзоди, доцент
Шавкат Ибрагимов

Расмий тақризчилар: Филология фанлари номзодлари, доцент
Б.Дўстқораев ва доцент Ф.Мўминова

Масъул муҳаррир: Филология фанлари доктори,
Профессор Ф.А.Мўминов.

ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА АСОСЛАРИГА КИРИШ.

РЕЖА:

1. Тележурналистика назарияси ҳақида илмий мулоҳазалар
2. Телевидение-давр кўзгуси

Оммавий ахборот воситалари орасида тедевидение энг кенжаси бўлиб, мамлакатимизда унинг пайдо бўлганига деярли ярим аср бўлай деб қолди. Шу даврлар орасида пайдо бўлган тажрибалар, кўрсатувлар тайёрлаш маҳоратидан келиб чиққан хулосалар натижасида *тележурналистика назарияси* ҳақида илмий мулоҳазалар пайдо бўлди.

«Тележурналистика асослари» курси журналистика факультетларида ўқитиладиган асосий фан ҳисобланиб талабаларни назарий билим олишига ўргатади. Бундан ташқари, телестудияларда амалий машғулотлар билан бирга махсус курслар талабаларнинг билим ва маҳоратини оширишига ёрдам беради.

Журналист бўлиш учун аввалом бор маълум бир қобилият ва қизиқишлар эгаси бўлиши керак. Иккинчидан, ушбу касб эгаси бўлиш учун унинг назариясини, асосларини билиш, ўрганиш лозим. Учинчидан, ўзи кузатган воқеа-ҳодисага қараб вазиятни тўғри баҳолаш маҳоратини эгалламасдан туриб ҳам журналист бўлиш қийин. Сўз ва тасвирнинг мослиги, экран тасвир қонун-қоидаси билан ижро санъатининг уйғунлашуви телевизион журналист ижоди самарадорлиги гаровидир. Ўқиш давомида ҳар бир талаба тележурналистика назариясини мавжуд адабиётлар ёрдамида ўзлаштириб бориш билан бирга ўқув студияларида камераларни ишлата билиш, монтажни ўрганиш ва бошқа техник имкониятлардан фойдаланишни ўрганиши зарур. Бунинг учун талабаларнинг телестудияларда ўтайдиган амалиётларига кўпроқ эътибор бериши лозим. Операторлар билан бирга телевизион журналистлар ҳаммани қизиқтирган, воқеа-ҳодисалар бўлиб турган жойга боришади. Улар томошабинни қизиқтираётган саволларни бериб, томошабин фикрини, ҳаёлини ўзига жалб қилади. Ҳар бир оператор ва журналистнинг дастурдаги иш фаолиятини рангли тошлардан безалган картина жилолари билан қиёслаш мумкин.

Ахборот публицистик кўрсатувларнинг ҳаққонийлиги, унинг тезкорлиги телевидение ходимларининг маҳорати ва ўз ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Телевизион журналистнинг фаолияти турли хил мураккабликлардан иборат: Бир тарафдан информацион кўрсатув лавҳаси муаллифи журналистика факультети биринчи курс талабаси бўлиши ҳам мумкин. Иккинчи тарафдан, съёмкаларга чиқиш, кундан-кун қизиқарли ва тезкор хабарлар топишда ҳар бир журналистдан чуқур билим ва маҳорат танаб қилинади. Журналист оддий хабардан репортаж, шарҳ жанрларига ўтар экан, ҳар бир мавзунини аудиторияга тушунарли усулда ифодалашни уddаламоғи зарур.

Телевизион журналистика – техника базасидаги сиёсат ва ижоддир. Фильм ёки кўрсатув ижодий гуруҳнинг маҳсулоти маълум сиёсий, техник ва ижодий талабларга жавоб бериши керак. Маълум бир қонуниятлар, принциплар, қоидалар

профессионал журналист фаолиятини ташкил қилади. Уларни тузиб ҳаётга тадбиқ этиш осон эмас. Лекин бу қонун-қоидалар ўзгариб туради. Масалан, илгари телекўрсатув – олиб борувчи ёки репортёр ўзининг фикр мулоҳазасини тўғри деб ҳисоблаган, ўз нуқтаи назари билан мавжуд тузум сиёсатини тарғиб қилган. Биз ҳуқуқий демократик жамият қуришни мақсад қилган эканмиз оммавий ахборот воситалари «Тўртинчи ҳокимият», бўлиши учун эркинлик, ҳаққонийлик ва адолат тамойилларига амал қилиб боришни ўрганиб боришимиз лозим.

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

Режа:

1. Телевидениенинг пайдо бўлиши, шарт-шароитлари.
2. Б.Грабовский ва И.Белянскийларнинг жаҳонда биринчи бор телекўрсатувни тажриба синовидан ўтказиши.
3. Жаҳонда ва Ўзбекистонда телевидениенинг ривожланиши.

Инсоният тарихида не-не буюк ихтиролар, тараққиётнинг янги поғонасига олиб чиқувчи ажойиб кашфиётлар қилинган. Катта масофаларни бир зумда босиб ўтиш имкониятидан маҳрум бўлган инсон қадим-қадимлардан узоқ-узоқларга саёҳат қилишни, дунёда қандай воқеалар содир бўлаётганлигидан воқиф бўлишни, бошқа сайёраларда ҳаёт борми, йўқми билишни, узоқ-яқинларини нима билан машғул бўлаётганлигини кўриб туришини орзу қилган. Қарийб барча халқлар оғзаки ижодиётида замонавий телевидениенинг рамзий тимсоллари - «Тошойна», «Жоми-Жамшид», «Ойнаи Искандарий», «Сехрли кўзгу»лар учраб туради. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида бундай кўзгу «Ойнаи Жаҳон» деб аталади.

Тасвирни бир манзилдан, бошқа манзилга узатишга уриниш ишлари XIX аср ўрталарида олиб борилган. Инглиз механиги А.Бенуа суръат ҳолидаги тасвирни узатиш аппаратини 1843 йили ихтиро қилган. А.Бенуа қоғоздай ингичка қалай парчасига тасвир тушириб, махсус сиёҳ ёрдамида ёзувлар битиб, қалай тахтачани тасвир тарқатувчи аппаратга ўрнатган. Тасвирни қабул қиладиган аппаратга эса электр токи таъсирида хиралашадиган махсус қоғоз ўрнатган.

Тасвирни электр қуввати ёрдамида масофага узатадиган яна бир техник ускуна лойиҳаси 1858 йилда Россия расмий доираларида муҳокама қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Италиялик аббат Жавании Козелли томонидан таклиф қилинган бу аппарат «Пантограф телеграфи» деб аталган. 1862 йил мазкур ускунага муаллифлик ёрлиғи берилади. Ж.Козеллининг бу ускунаси 1866-1868 йилларда Петербург билан Москва оралиғида тортилган сим орқали узатиб, синаб кўрилган.

Ҳужжатларда қайд қилинган икки йирик шаҳар оралиғига узатилган тасвирлар умуман ёмон бўлмаган. Тажриба ускуналари ўлчамининг катталиги, иш принципининг мураккаблиги тасвирни қабул қилиш ҳаражатлари кўплиги сабабли бу усул тараққий қилмаган.

Тасвирни масофага узатиш лойиҳалари шунингдек, 1878 йили португалиялик А. Де Пайва, 1880 йили рус олими ва ихтирочиси П.И.Бахметев,

1884 йили немис муҳандиси Паул Нипков ва бошқа ихтирочилар томонидан таклиф этилган.

Аммо юқорида қайд қилинган барча ихтироларда тасвир узатиш механик усулда амалга оширилган. Бу ихтирочиларнинг биронтаси ҳам кашфиётларини амалда исботлаб бера олмаганлар.

1897 йили бир муҳим ихтиро қилинади, немис физик олими К.Ф.Браун осцеллограф учун нур тарқатувчи электрон трубка яратади. Ана шундан сўнгина Петербург Технология институти профессори Борис Львович Розинг телевизион тасвирни қабул қилиш, уни бир манзилдан бошқа бир манзилга узатишга муваффақ бўлади. 1907 йили Б.Розинг тасвирни масофага узатишда нур тарқатувчи электрон трубкини қўллашни таклиф этади. 1911 йили 22 (9) майда Розинг ёруғ фонда бир-бирига параллель иккита қора чизикни нур тарқатувчи электрон трубкада қабул қилишни тажрибада синаб кўрди.

Б.Л.Розинг таклиф этган ускунанинг тасвир қабул қилиш томони электрон усулга асосланган бўлса, тасвир тарқатувчи томони эса ҳамон механик усулда ишлар эди. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, радиоэлектроника ва электровакуум техникасининг ривожланмагани электрон телевидение тараққиёти йўлида катта тўсиқ бўлган.

Қаранг-ки, бутун жаҳон олимлари бош қотираётган бу мураккаб илмий-техник муаммони ҳал қилиш яъни электрон телевидениенинг тўла мажмуини яратиш тошкентлик ихтирочи, Ўрта Осиё Давлат Университети физика лабораториясининг ходими Борис Павлович Грабовскийга насиб этди.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур мавзесидаги Бола масжид кўчаси 74 уйда, (Хозирги Навоий кўчасидаги 199 уй, Хозирги Тошкент телевидениеси маркази ёнида) Юсуфхон ака ва Ҳамза опа Мирзамуҳамедовлар уйида, 1925-1928 йилларда тасвирни ҳам узатувчи, ҳам қабул қилувчи томонлари тўла электрон тизимга асосланган Хозирги замон телевидениеси яратилиб, жаҳонда биричи бўлиб ҳаракатдаги ҳақиқий телевизион тасвир қабул қилинди. Эски шаҳарнинг сўлим ҳовлисидаги болаҳонали уйнинг бир хонасида икки ихтирочи Борис Грибовский билан Иван Белянскийлар истиқомат қилишарди.

Борис Грабовский ёш ташаббускор олим, истеъдодли муҳандис бўлса, Иван Белянский одамлар билан тез тил топиша оладиган, моҳир ташвиқотчи ва зўр ташкилотчи эди. Тошкентнинг ана шундай минглаб уйларига ўхшаган бир хонадонда XX асрнинг ҳақиқий мўъжизаси – телевидение ихтиро қилинаётган эди. Шу уйда Грабовский ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, ҳатто бирон бир натижа бўлиши ёки бўлмаслигига ҳам кафолат бера олмайдиган мўъжиза устида тажрибалар олиб бормоқда эди. Жаҳон олимлари бош қотираётган бу сирни кимга очилиши ҳам номаълум эди.

Борис Грабовскийнинг орзулари катта эди. У ҳаётни унинг барча шакл-шамойилларида, сиймоларда, кейинроқ эса рангли ва ҳатто ҳажмдаги-стереоскопик тасвирда кўрсатишни ўзига мақсад қилиб қўяди. Б.Грабовский Ўрта Осиё Давлат Университетининг физика лабораториясидаги чизмаларни, Бола масжид кўчасидаги устахона асбоб анжомларини ҳам худди ана шу мақсадга йўналтирган эди. Бу дунёда ҳали бирон бир олим эриша олмаган мақсад ва режалар эди.

Янги таниши, университет профессори Гавриил Поповнинг турли хил китобларга бой шахсий кутубхонасидаги илмий-техник асарлар телевидение сирларини очишда ёш ихтирочига жуда қўл келди. Шу ерда у Петербург технология институти профессори Б.Л.Розингнинг бу соҳадаги илмий ишлари билан танишади.

Б.Л.Розинг ўзи яратган аппаратларда тасвирни масофага узатиш ва бошқа нуқтада уни қабул қилишга эришган эди. Бу соҳани назарий қисмини чуқур ўрганиб чиққан Б.П.Грабовский тасвир фақат электрон оқими ёрдамида узатилиб, электрон оқими ёрдамида қабул қилиниши керак, деган қатъий хулосага келади. У тасвирни узатишда ўша пайтда кўпчилик диққат эътиборида турган механик йўналишининг истиқболи йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилади. Грабовскийнинг тўғри ёндошуви унга қимматга тушди. Сабаби, жаҳонда ТВ тасвирини узатишни механик усулида ишлаётган доиралар кўп эди.

1925-26 йиллар Б.Грабовский тасвирни масофага узатиш бўйича бир қатор электрон асбоб-ускуналар яратади. Бу ускуналарни Тошкентдаги электр қуввати ишлаб чиқарадиган ҳамда ундан фойдаланадиган шу пайтдаги ягона ташкилот-«Тошгэстрам»да, шунингдек Тошкентдаги Ильич номли ремонт-механика заводида, Ўрта Осиё Давлат Университетининг (Хозирги Ўзбекистон Миллий Университети) физика лабораториясида яратади. Лекин ёш ихтирочиларда ҳали илм ва тажриба етишмас эди.

Жаҳонда биринчи бор қилинаётган ишда яна қандай билим ва тажриба тўғрисида гап бўлиши мумкин!? Б.Грабовский бу борада Петербургда қилинаётган ишлар ҳақида адабиётлардан хабар топади.

1925 йил ноябрь ойи, Борис Грабовский Петербург Технология институтига, Борис Львович Розинг ҳузурига боради. Тошкентлик ихтирочи олиб келган чизмалар, схемалар, уларга битилган, изохларни диққат билан танишиб чиққач Б.Розинг ўзбекистонлик меҳмонларга қараб:

– Азизларим, қандай мураккаб ишни уддасидан чиққанинглари, ахир ўзинглар биласизларми, - дея ўрнидан туриб уларга илтифот кўрсата бошлайди. Борис Грабовский ва унинг ҳамроҳини кетма-кет кучоқлаб бағрига босади.

– Эртагаёқ патент олиш учун буюртма бериш керак, - дейди у.

Эртасига 1925 йил 9 ноябрь куни ихтирочилар В.И.Попов, Б.П.Грабовский, Н.Г.Пискуновлар номига ихтиро ва кашфиётлар ишлари бўйича Давлат Қўмитасининг 4899-рақамли гувоҳномаси берилади. Патент беришдан аввал эса бу соҳада жаҳонда қилинган қарийб барча ишлар синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Ниҳоят 1928 йил Б.Грабовский, Н.Пискунов, В.Поповларнинг катодли «Телефот»ига патент берилади. Бу Тошкент «Телефот»ининг халқаро миқёсда дастлабқа тан олинishi эди.

Экспертлар хулосасига кўра 1925 йил 14 ноябрь куни Петербургдаги «Светлана» заводи тошкентлик ихтирочилар буюртмаси бўйича «Телефот» электрон трубкасини тайёрлашга киришади.

1925 йилнинг ўзида ўзбекистонлик ихтирочиларнинг электрон трубкаси Петербургдаги «Связьэлектро» заводлар трестининг экспертлари: Д.А.Рожанский, Л.И.Мандельштам, П.И.Лукирский, М.А.Шаелен,

А.А.Чернышев, Н.Д.Папалекси ва Б.Л.Розинг каби йирик олим ва мутахассислар томонидан муҳокама қилинади.

Бундай мураккаб ишни давом эттириш учун катта маблағ ва давлат раҳнамолиги керак эди. Шунинг учун 1927 йил Иван Белянский Ўзбекистон пойтахти Самарқандга Республика ҳукумати ҳузурига йўл олади. Марказий Ижроия Қўмита Раиси Йўлдош Охунбобоев ҳузурига киришга муваффақ бўлади.

Б.Грабовский телевидениенинг асосий қисми бўлган электрон трубка яратиш устида иш бошлади. Трубканинг нур тарқатувчи қисмини яратиб, уни шиша трубканинг ичига жойлаштирди. Шиша тайёрловчи уста эса махсус насос ёрдамида трубка ичидаги ҳавони чиқариб вакуум яратди. Шундай қилиб, телевидениенинг юраги – *нур тарқатувчи электрон трубка* пайдо бўлди.

Аммо бу ҳам кутилгандек, яхши натижа бермади. Ишларидан кўнгли тўлмаган ихтирочилар яна Ленинграддаги «Светлана» заводига йўл оладилар. Аммо завод тошкентлик ихтирочилар буюртмасини қабул қилмади. Б.Л.Розингнинг аралашуви ҳам натижа бермади.

Шундан сўнг, ихтирочилар 1928 йили Тошкентда яратилган тажриба ускуналарини расмий синовлар учун Москвага жўнатадилар. Кутиларга, «эхтиёт бўлинг, шиша!», «ноёб физика ускуналари», «ташлаш мумкин эмас!» деган ёзувлар битиб қўйилади. Москвага ниҳоятда эҳтиёткорлик билан махсус кутиларга жойлаштирилган электрон трубкаларнинг фақат синиқ парчаларигина етиб боради.

Содир бўлган бу жиноятда ҳеч ким айбдор деб топилмайди. Бир неча бор арз қилганларидан сўнг, Тошкент телефотига тааллуқли ихтирочилар кўлидаги 6 папкадан иборат чизмалар, жадваллар, иш принциплари битилган ҳужжатлар ҳам олиб қўйилади.

Юсуфхон ака Мусамухаммедов хонадони Тошкентда электр сими тортилган камдан-кам уйлардан бири эди. Шу сабабли ҳам Грабовский бу хонадонни танлайди. Бу ҳовлида устахона очиб тажрибалар ўтказиш имконияти бор эди.

Юсуфхон ака отхонасининг бир чеккаси лабораторияга ажратилади. Шу ерда 1928 йили бир хонадан бошқа хонага телевидение тасвири узатилади. Дастлабки телевизор экранининг ҳажми гугурт қутисидан салгина каттароқ эди. Биринчи бўлиб экранда ҳамма нарсага қизиқувчан, керак бўлганда устахона полларини ҳам ювиб берадиган, ҳар бир ишга Хозиру-нозир уй бекаси Ҳамзахоннинг қимирлаётган бармоқлари кўринади. Шундан сўнг қўл ҳаракати шамолидан липиллаётган шамчироқ кўзга ташланди.¹

1928 йил 26 июль Тошкент вақти билан соат 12.00...

Ўрта Осиё округ алоқа станциясида Тошкент Телефотининг расмий синов тажрибалари бўлиб ўтди. Аппаратнинг телетасвир тарқатувчи қисми қўшни уйнинг балконида ўрнатилади. Тасвир бу гал эфир орқали йўналтирилади. Муҳандис Григорьев 18 метр, баландликдаги устунга антенна ўрнатади. Нур тарқатувчи электрон трубка ёрдамида телетасвир узатилиб қабул қилинади.

¹ О.Копытовская. Асл нучза Б.П.Грабовский номидаги электрон телевидение музейи. Тошкент. Сергели. ЎзССР МДА, Ф.Р – 25-62, 3, Д.80, 85-87 бетлар, асл нусха, қўлёзма, дастхат. ЎзССР алоқа вазирлиги тамғаси. Девонхона.

Шундай қилиб, экранда Белянский қиёфаси кўринди. У фуражкасини бошидан олиб, қайта кияр эди. Фуражка тасвирда тим қора рангда кўринади.

Сўнгра, комиссиянинг кўпчилик аъзолари тасвир узатувчи (телекамера) олдига кетма-кет келиб, ўзларини кўз-кўз қилиб тура бошлайдилар. Тасвир муҳим бўлса ҳам унчалик тиниқ эмас эди. Одамларнинг юзларидан кимлигини аниқ таниш қийин эди. Жаҳонда биринчи тўла электрон тасвир узатилишида иштирок этаётганларнинг барчаси бу тарихий воқеадан хайратда эдилар. Кўтаринки руҳ ҳукм сурадди.

4 август куни телетасвирни узатувчи аппарат кўчага ўрнатилади. «Хива» кинотеатри олдига ўрнатилган телемажмуанинг тасвирни қабул қилувчи қисмида ўтиб кетаётган трамвай кўринади. Бу дунёда биринчи бор кўчада тўғридан-тўғри олиб кўрсатилаётган телерепортаж – тошкентлик ихтирочиларнинг катта галабаси эди.

Жаҳондаги биринчи бу телерепортаж киноҳужжатчилар томонидан кинолента тасмасига туширилади ва 20-30 йилларда Тошкентнинг барча кинотеатрларида фильм намойиш қилишдан аввал қўйилар эди.

Айрим тадқиқочилар Тошкент электрон телевидениенинг ватани сифатида тилга олишади, лекин бу ҳамма тадқиқотчилар орасида тан олинган ягона фикр эмас. Масалан, арман олимлари «оқ қора ва рангли телевидениенинг асосчиси О.А.Адамяндир», деган фикрни олға сурадилар. Бунга ўхшаш бошқа нуқтаи назарлар ҳам бор (ривожланган мамлакатларда). Шу билан бир қаторда, нуфузли мутахасислар ишлари, шулар қаторида телевизион журналистика соҳасидаги етакчи олим А.Я.Юровский ишида тошкентлик ихтирочилар телевидение асосчилари деб тан олишган.

Иш ҳар ҳолда профессионал асосда йўлга қўйилган эди. 1930 йилда Бутуниттифоқ электротехника институти тизимида янги лаборатория телевидение лабораторияси очилиб, Б.Л.Розингнинг шоғирди профессор П.В.Шмаков раҳбарлиги остида иш бошлади. Конструкторлар олдига Нипков айланаси билан узатувчи ва қабул қилувчи мослама яратиш масаласи қўйилди ва шу тарзда механик телевидениенинг тажрибавий намуналари дунёга келди. Уларда бир кадр 30 қаторга бўлинган ҳолда тасвир ва овоз эса алоҳида – алоҳида узатиларди. Шу боис, ҳар бир телевизор иккита – бири радио учун, иккинчиси қўшимча телевизион мослама учун мўлжалланган қабул қилувчиларга эга эди.

1931 йил 1 октябрда Москвада мунтазам тажрибавий телекўрсатувлар бошланди, уларни Смоленск, Ленинград (Санкт-Петербург), Киев, Одесса, Харьков, Нижний Новгород, Томск радиоконструкторлари қабул қилишлари мумкин эди.

Бир вақтнинг ўзида бошқа мамлакатларда ҳам телевидение ривожланиб борди. Розинг ишини давом эттираётган шоғирдларидан бири С.И.Китаев 1931 йил янги, кучлироқ узатувчи трубка яратди. «Иконоскоп» номини олган бу мосламанинг янгилиги телевизор экранининг катталаштирилганидир. 1931 йилнинг ўзида Б.Л.Розингнинг бошқа шоғирди, АҚШда яшовчи В.К.Зворикин худди шундай аппаратни яратиб, уни патентлаштирди.

1931 йили Парижда биринчи марта тасвирни масофага узатиш амалга оширилди. Бу миллий консерватория ва олий электротехника ўқув юртида бўлиб ўтди. 1932 йили Францияда тажрибавий телестудия очилди. 1935 йили эса Эйфел минорасидан мунтазам кўрсатувлар узатила бошлади.

1933 йили П.В.Шмаков ва П.В.Тимофеев янги узатувчи трубка яратдилар. Ўзининг сезувчанлиги бўйича иконоскопдан устун турганлиги боис, у «супериконоскоп» номини олди.

1934 йил 15 ноябрда механик телевидениенинг мунтазам кўрсатувлари бошланди. Улар эфирга ярим кечадан кейин, халақит берувчи шовқинлар кам бўлган пайтда намоёниш этилган. Бу давр телевизорлари 6х9 см.ли экранга эга бўлиб, уларнинг барча деталлари ва телевизор яратиш ускуналари Совет Иттифокида ишлаб чиқарилган.

1935 йили собиқ Совет Иттифоқи телевидениеси тарихида янги босқич бошланди. Ленинграддаги Бутуниттифоқ телевидение илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Узатувчи – қабул қилувчи аппаратлари техникасининг ривожланиши механик телевидениени электрон телевидениега алмаштиришга олиб келди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида телевидение ривожланиши деярли барча давлатларда тўхтаб қолди. 1946 йили АҚШда 6 телестанция иш олиб борди. Шу йили июнь ойида Англиядаги БИ-БИ-СИ яна ўз фаолиятини бошлади. 1948 йилгача тўрт давлат – Совет Иттифоқи, АҚШ, Англия ва Францияда телевидение мавжуд эди.

1949 йили собиқ иттифоқда биринчи кўчма телевизион станциянинг ташкил қилиниши телевидениенинг техник тарихида катта қадам бўлди. Шу йилнинг ўзида кўрсатувлар 625 сатрда олиб борила бошланди, бу жиддий ютуқ бўлиб, тасвир сифатини оширишга имкон берди. Шу йили яна собиқ иттифоқда арзон КВН – 49 (номи аппарат ихтирочиларининг бош ҳарфларидан олинган: Кеигсон, Варшавский, Николаевский) русумли телевизорнинг оммавий ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Рангли телевидениега биринчи бўлиб А.М.Полумордвинов 1899 йилда асос солганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шу билан бир қаторда турли даврларда арман О.А.Адамян, америкалик Ф.Фарисуор, инглиз К.Свинтон ва Л.Берд, рус олими Ю.С.Волковларни рангли телевидение ихтирочилари деб атаيمиз. Собиқ иттифоқда рангли телевидениенинг мунтазам кўрсатувлари 1967 йилдан бошланди. Сунъий йўлдош орқали биринчи – кўрсатув эса 1965 йилда амалга оширилди. Телевидениедан фарқли ўлароқ, радио оммавий ахборот воситаси сифатида анча олдин, 20-30 йилларда шаклланди.

1954 йил Тошкентда телемарказ қурилиши бошланди. 1956 йил 5 ноябрдан Тошкентда мунтазам кўрсатувлар йўлга қўйилди. Шу куни 2 соатлик телекўрсатувлар бўлиб ўтди. Студия дастлабки йиллар 4 (ижтимоий – сиёсий, мусиқий, адабий – драматик ва болалар учун мўлжалланган) тахририятга эга эди. 1958 йил Тошкентдаги биринчи – кўчма телевизион станция ўз ишини бошлади. 1963 йил Тошкент, Олма-Ота ва Бишкек студиялари иштирокида биринчи – ўзаро телеалоқа бўлиб ўтди. 1965 йил Ўзбекистонга Москвадан Бутуниттифоқ телевидение кўрсатувлари узатила бошланди. 1967 йил март

ойида Ўзбекистон ўз телевидениеси кўрсатувларини алоҳида-алоҳида дастурда кўрсата бошлади. Ўзбекистон телевидениесининг оммавий алоқа канали ва жамиятнинг ижтимоий институтига айланган вақти – 1960 йилдир. Телевизорлар билан таъминлаш ва телетармоқнинг ривожланиш даражаси бўйича Ўзбекистон Собиқ Совет Иттифоқи республикалари орасида етакчи ўринларда турар эди.

1980 йил Тошкентда янги телемарказ ишга туширилди. Телевизион кўрсатувларни узатиш сифати яхшиланди. 1991 йил Ўзбекистон халқи мустақилликка эришгандан сўнг «Ўзбекистон», «Ёшлар» канали ва Халқаро канал орқали телевизион кўрсатувлар эфирга узатила бошланди. Халқаро канал орқали Россиянинг РЖТ, РТР ва Туркиянинг Овраосиё телеканалларининг маълум бир кўрсатувлари берилиб борилмоқда. Шунингдек, ТТВ ва вилоятлардаги маҳаллий телевидениелари мунтазам фаолият олиб борилмоқда.

Саволлар:

4. Телевидениенинг пайдо бўлиши, шарт-шароитлар хусусида нималарни биласиз?

5. Б.Грабовский ва И.Белянскийларнинг жаҳонда биринчи бор телекўрсатувни тажриба синовидан ўтказиши қандай муаммоларга учради?

6. Жаҳонда ва Ўзбекистонда телевидениенинг ривожланиши тарихи хусусида фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг?

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЗИМИДА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

Режа:

1. Электрон оммавий ахборот воситасининг жамиятдаги ўрни.
2. Телевидениенинг таъсирчанлик воситаси
3. Тележурналистиканинг кенг жамоатчиликка таъсири.

Жамиятимизда ҳуқуқий демократик тамойилларнинг қарор топишида оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Телевидение омма фикрини, қолаверса, маънавиятини шакллантиришга хизмати этувчи кучли восита сифатида намоён бўлиб келмоқда. Энг асосийси, телевидения кишиларнинг ахборот олиш манбаси ва маданий хордиқ чиқаришга хизмат қилувчи санъат тури эканлигини ҳаммамиз англаймиз.

Жамоатчиликнинг телевидениега, кундан-кунга қизиқиши ортиб бормоқда. Кўплаб ривожланган мамлакатларда давлат кабелли, тижорат, жамоатчилик, ҳиссадорлик телевиденияларнинг янги имкониятлари пайдо бўлиб сифат жиҳатидан ривожланмоқда. Хозирги пайтда телевизор турмушимизнинг зарур воситаси сифатида ҳар бир оиланинг ахборот олишини таъминлайди. Инсон умр кўриш жараёнида моддий ва маънавий қониқишига интилади. Бу инсоннинг табиий эҳтиёжи. Оммавий ахборот воситалари ичида телевидение инсон маънавий дунёсини шакллантирувчи восита сифатида хизмати беқиёс катта. Унинг принцип ва вазифалари миллий манфаатимиз талабларидан келиб чиқади.

Юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислохатларнинг амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг самарали таъсирчанлигига боғлиқ тамонлари

кўп. Фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари орасида телевидениенинг жамиятмизда тутган роли матбуот ва радиога нисбатан катта. Телевидение фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни даврнинг ўзи талаб қиляпти. Жамиятимизнинг турли соҳаларидаги чуқур ўзгаришлар, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётининг ислоҳатлар сурати телевидениеда ўз аксини тўлиқ намоён қилиши зарур. Телевидение инсон мафкурасини бойитиш ва юртига садоқат руҳида тарбияловчи кучли тарғибот воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Кўрсатувларни мазмундор ва сифат жиҳатидан юксак савияда тайёрловчи журналист кадрлар салоҳияти кўп нарсани белгилаб беради.

«Тўртинчи ҳокимият» бўлишга даъвогарлик қилаётган оммавий ахборот воситасини жамиятимизда тутган ўрни бўйича қонуний асослари яратилмоқда. Телевидениенинг ривожланиши жараёнида давлат ва нодавлат тизимида пайдо бўлмаса жамиятда фикрлар ва қарашлар турлилигини ярата олишимиз қийин. Ҳали жамиятмизда эскича фикрловчи кишилар мавжуд бўлиб эски тузум қолдирган дунё қарашлар, психология янги пайдо бўлган маънавий меросимиз билан юзма-юз келди. Телевизион кўрсатувлар шаклан эски андозалар усулида бўлса ҳам мазмунан янгича маънода тайёрланишига уринишларни сезамиз.

Телевидениенинг оммани ахборот билан таъминлаш имкониятларини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, унга тезкор ахборотлар олишида журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳукуқий кафолатлаш зарур.

Мамлакатимиз телевидениеси асосини ўрганиш ижтимоий фанларни ривожлантириш бўйича катта илмий аҳамиятга эга. Чунки, телевидение оммавий ахборот воситалари орасида кучли таъсир этувчи, тарғибот воситаси сифатида эътироф этиб келинади. Телевидение назарияси ва амалиёти ижтимоий фан сифатида – социология, ижтимоий психология каби фанлар жамламаси шаклида таркиб топмоқда. Мафкура иши назариясининг ажралмас қисми бўлиб бораётган тележурналистика мустақил фан бўлиб етилиб келмоқда. Телевидение назарияси жамиятимиздаги оммавий ахборот воситалари орасида телевидениенинг тутгандаги ва бевосита фаолияти билан таҳлил этилади.

Телевидениенинг пайдо бўлиши билан ўзидан олдин яратилган радио, кино, театр, газета, журнал ва китобдаги хусусиятларини ўзида жамлади, етуклик даражасига етишгунча бир қанча босқичларда ривожланди; тасвирни ўзига тушириб узатувчи ва қабул қилиб кўрсатувчи техника, оммавий ахборот воситаси ва санъат тури сифатида шаклланишининг илк даврлари, ижтимоий ҳаётдаги йўналишининг белгилаш ва ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлишга эга бўлиши ҳамда энг асосийси, одамларнинг маънавий онгига таъсир этувчи ва уларни янгиликлар ва оммавий ахборот билан таъминловчи восита.

Шундай қилиб, телевидение оммавий ахборот воситалари орасида матбуот ва радио каби жамиятнинг ғоявий қуроли сифатида маълум мақсадлар доирасида кенг кўламда иш олиб боради. Унинг оммавий ахборот воситалари орасидаги ўрни қуйида белгиланган вазифалардан англаб оламиз:

- давлат ёки жамоат ташкилотларнинг ғоясини тарғиб этиш;
- омманинг ахборотга бўлган талабини қондириш;
- жамиятимиздаги турли қатламдаги кишиларни бир мақсадга сафарбар этиш;

- кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш;
- миллий маданий меросимизни тарғиб этиш ва уни ривожлантириш.

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ БОШҚА СОҲАЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Режа:

1. Телевидение ва радио
2. Телевидение ва театр
3. Телевидение ва кино
- 4.

Инсон ахборотнинг ярмидан кўпини кўз орқали қабул қилади. Балки сиёсий суҳбат пайтида унинг асосий мазмуни кулоқ орқали кирар, лекин табиий компонентлар йўқолади.

Сиз газета ва журналда интервью ўқиганингизда, интервью олган киши, ҳақида қандайдир тасаввурга эга бўласиз. Бироқ, унинг айтганларини тўппатўғри қабул қила олмайсиз, чунки у бошқачароқ ҳам гапирган бўлиши мумкин. Иккинчидан бу шахснинг интеллектуал қобилияти ҳақида маълум тасаввурга эга бўласиз, бироқ, унинг ўзига хос жисмоний хусусиятлари яширин бўлади. Радиоэшиттиришлар ҳам деярли шундай. «Деярли» ўрнига «Худди шундай» дейиш мумкин амас, чунки овоз қайсидир маънода инсоннинг борлиги. Бевосита тирик овоз орқали сиз инсон ҳақида қандайдир маълумот оласиз: ахир у ёки бу овоз тиниқлиги, жарангдорлиги, интонация, гапириш усули – буларнинг ҳаммаси маълум киши ҳақида хабар беради. Сиз сўзловчи нутқига эътибор бермасдан, биргина овозининг ўзидан нафақат унинг ёш ёки қарилгини, балки уни қувноқ ёки зерикарлигини, бағри кенг ёки бахиллигини ҳам билишингиз мумкин. Ҳамда унинг одамларга бўлган муносабати, самимийлик даражаси, маънавий дунёси ҳам маълум бўлади.

Кўз ўнгимиздаги киши ҳикоясини айтиб туриб чехраси, ҳиссиёти, таассуротлари билан сизга кучлироқ таъсир қилади. Шу ерда психологик механизм ишлай бошлайди, олимлар уни «ишониш ва ишонмаслик фильтри» деб аташади. Агар одам чехраси бу фильтрни эгаллай олса, унинг нутқи таъсири бир неча бор ошади, бу эса ҳар қандай далиллардан кучлироқ ишонтиради.

Шундай қилиб, радиоэшиттириш ва телекўрсатувнинг орасидаги энг муҳим шарти шундаки, радио фақат эшитиш қобилиятига таъсир қилса, телевидениеда эса кўриш имконияти ҳам бор.

Радиоспектакълни телевидениега механик тарзда кўчириш ҳоллари фақат муваффақиятсизлик билан тугаган десак бўлади. Бу омадсизликлардан бири актёрларнинг ташқи кўриниши (овозининг сифати тўғри келганда ҳам) экранга тушмайди. Бироқ буни ҳам бир амалласа бўлиши мумкин. Ахир радиопьесани телевидениеда ижро этиш учун драматургия талабларига жавоб берувчи бошқа актёрларни чақириш мумкин. Муваффақиятсизликка асосан бошқа ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Яхши радиопьеса радиодраматургиянинг ўзига хос хусусиятларга эга.

Драматургия қонунлари шуни талаб қиладики, радиопьесада айтиладиган сўз нафақат персонажнинг фикр ва ғояларини акс эттириш керак, балки воқеа-ҳодиса ривожини, вазиятни кўз олдида келтириш учун ҳам хизмат қилиш керак.

Телевиденияда бундай талаб қўйилмайди. Чунки жой ҳолати, кўриниш, персонажнинг жисмоний ҳаракати бевосита экранда тасвирланади.

Инсон кўз олдида жонли, ҳаракатланувчи тасвир пайдо бўлганда, у психологик ва физиологик сабабларга кўра кўрсатувнинг асосий элементига айланади, овоз эса (нутқ, мусиқа, шовқин) иккиламчи роль ўйнайди. Радиопьеса эса ягона овоз компонентига мўлжалланиб яратилган. Шунга кўра радиопьеса драматургияси кўриш компоненти йўқлигига мўлжалланган.

Биз радионинг тасвирлаш ҳусусияти йўқ бўлгани учун телевидениега нисбатан ахборот воситаси сифатида ёки бадиийлик жиҳатидан даражаси пастлигини исботлаб бермоқчи эмасмиз. Аввало радионинг ҳам ўзига хос ҳусусияти бор: уни ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда ва ҳар қачон ишлатиш мумкин. Ундан ташқари, энг муҳими радио биргина овози билан телевидениега нисбатан аҳамиятли томони бор: якка овози билан инсон таассуроти, унинг тасаввурига кучлироқ таъсир қилиши мумкин. Сўз-буюк қудрат, бироқ тасвир сўздан фойдаланишни чеклаб қўяди, уни бошқача ишлатишни талаб қилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, телевидение кўриш орқали одамни анча толиқтиради. Радио эшиттириш, айниқса мусиқий бўлса, у приёмник олдида бутунлай берилиб ўтиришни талаб қилмайди, телевидение эса аксинча.

Телевидение декорация, грим, костюм, ракурс, план ва бошқа муҳим омиллари мавжудлиги билан радиоэшиттиришдан фарқланади.

Радиоэшиттириш билан телекўрсатув аспектда битта нарса: эфир бўйича ахборот узатишда марказидан электрон магнит тўлқинларини бир вақтнинг ўзида миллион нукталар қабул қилади. Радиода электромагнитик сигнал фақат овоз ҳақида маълумот етказса, телевидениеда эса овоз ва тасвир ҳақида етказди. Шу техник сабабларга кўра радио ва телевидение программаси бир хил характерда аудиторияга қаратилган ва шунга кўра, радиопрограмма билан телепрограмма умумий мақсад ва вазифаларга эга.

Телевидениенинг ижтимоий вазифаси радиоэшиттиришнинг ижтимоий вазифасига мос тушсада таъсир этиш воситалари турлилиги билан бир-биридан фарқланади. Шу ҳусусияти бўйича аудиторияга таъсир этиш усули ҳам бошқача.

Энди телевидениенинг бошқа «қариндош»и – театрға мурожаат қиламиз.

Биз тасвирлаган суҳбат сахнада бўлиши ҳам мумкин. Айтайлик, қайсидир спектаклда икки қатнашчи – машҳур сайёҳ ва мухбир ўртасида суҳбат кетяпти. Мана шундай интервью телевизион интервьюдан нимаси билан фарқ қилади-ю, нимаси билан ўхшаш.

Ўхшашлиги шундаки, телекўрсатув ва театр томошабинлари интервью иштирокчилари билан бир вақтда бўлишади. Яъни улар интервью содир бўлаётган пайтда гувоҳ бўладилар. Бу эса томошабинни жалб қилишда жуда муҳим.

Телевидение ва театрда яна бир ўхшашликни кўришимиз мумкин. Экран олдида ўтиргандай, сахна тўғрисида ўтириб ҳодисини кўрамиз ва эшитамиз, радиода эса фақат эшитамиз.

Телевизион кўрсатув тайёрловчилари (сценарий муаллифи, режиссёр, актёр) нуктаи назаридан телевидениенинг театр билан яқинлаштирувчи жиҳатлар кўп экан. Биринчи галда, бу макон ва замон ҳаққонийлигидир. Мисол тариқасида бир

пьесани оладиган бўлсак, у ерда асосий хом ашё сифатида сўз қўлланилади. Шу сабабдан телевидение бу сўзларни томошабинга етказиб бериш имкониятига эга бўлганлиги сабабли телевидениенинг ҳам драматург яратган асари ўзгармас ҳолда қўлланиши мумкин. Театр ва телевидениеда кинодан фарқли ўларок кўрсатиш вақти жисмоний ҳаракат вақти билан бир. Айнан содир бўлаётган ҳаракатнинг бир вақтлилиги ва уни телевизион камералар томонидан намоиш этилиши бу ҳолда ҳаракатни макон ва замонда «қискартиришга» ва «кенгайтиришга» йўл қўймайди.

Театр драматурги театр сахнасида бир қатор имкониятларга эга бўлиб, томошабин тасаввурида ҳаракат вақтини қискартириши мумкин. Театр сахнасида фактни қискартиришнинг энг осон йўли – пардаларни туширишдир. Бундан кейин пардаларни кўтариб 3 кун ўтди деб айтса ҳам бўлади. Масалан, сахнада дарс намоиш этилса залда ўтирган ҳар бир томошабинга маълум бўлган 45 дақиқалик дарсни драматург, томошабин ишончидан фойдаланиб дарс бошланганидан бери 10-15 дақиқа ўтгач у тугаганлиги ҳақидаги кўнғирокни бериши мумкин ва томошабин бу шартга кўнади (бу театр шартларидан бири). Ҳақиқий мактаб дарсни тўғридан-тўғри трансляциясида бундай қискартириш томошабинда рўй бераётган ҳодисанинг ҳаққонийлигига шубҳа уйғотади. Демак, телевизион сценарий муаллифи бундай усулни қўллашга ҳаққи йўқ (томошабин билиши зарур бўлган ёзув ва монтаж ҳақида сўз бормаётганида; бу ерда «ўйин қоидалари» умуман бошқача). Аташ жоиз бўлса, макон ва замон тўхтовсизлиги театр ва телевидение учун технологик жиҳатдан умумийдир. Телевидение макон ва замон борасида театрга нисбатан кўпроқ техник имкониятларга эга; ҳаракат бир вақтнинг ўзида бир неча майдончада рўй бериши мумкин. Бундай имкониятларнинг энг муҳими – видеомагнит ёзув монтажи худди кинодагидек каби осонлик билан макон-замон давомийлигини енгиб ўтиш учун имконият яратади.

Телевидение ва театрни ўрганиб, энди улар ўртасидаги фарқларни ҳам кўриб чиқайлик. Аввало, театр залида ўтириб сиз сахнанинг мавжуд ҳажмий борлигини, мавжуд ҳақиқий одамларни, мавжуд нарсаларни кўрасиз. Телевидение экранда эса сизга одамларнинг ва предметларнинг тасвир ва ранглар уйғунлиги намоён бўлади. Албатта, томошабин учун телевизорни қўйиб Хозирда камера олдида турган одамнинг тасвирини кўриши (тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган телекўрсатув бўлса) катта аҳамиятга эга. Аммо унинг қаршисида бари бир ҳақиқий одам эмас, балки оптик эффект, сахнанинг реал кўриниши эмас, балки экран ойнасидир. Бошқача қилиб айтганда, телевидениеда «тескари алоқа», яъни томошабиннинг актёрга таъсири йўқ (айрим кўрсатувлардаги телефон алоқадан ташқари). Бу ерда аудитория характеридаги ҳамда телевидение ва театрдаги томоша шартларидаги фарқларни таъкидлаб ўтиш лозим. Телевизион аудитория сифат жиҳатидан ҳам, сон жиҳатидан ҳам театрникидан фарқ қилади. Унинг ҳис-туйғу ҳолати умуман бошқача. Театрга бориш ҳамма учун кичик бир байрам ва ҳамма унга тайёрланади. Театрга бориш кишини доимо қандайдир бир ҳис-туйғу ҳолатига, у кун бўйи кутиб юргандек фарқланадиган ҳолатга келишига олиб келади. Театрга келиб сиз яшайдиган муҳитдан бошқача муҳитга тушиб қоласиз. Фойенинг ўзидаёқ сиз ушбу бинода спектакль кўришга ва қайсидир маънода

Ўзини кўрсатишга чоғланган чиройли кийиниб олган одамлар оқимига қўшилиб кетасиз. Сизнинг бу ҳолатингиз ўз уйингизда, оилангиз даврасидаги, уй жиҳозлари ёнида жойлашган телеэкран ёнидаги ҳолатингиздан кескин фарқ қилади. Театр томошабинидан фарқли ўлароқ телетомошабинни у ўз таъсир предмети билан юзма-юз эканлигини назарда тутган ҳолда китобхон билан таққослаш мумкин.

Телевидение билан театрни фарқловчи яна бир омил — бу телевизион камеранинг борлиқ қисмини «кесиб олиш» қобилиятидир. Бу ердан телевидениенинг театрдан яна бир муҳим фарқи — биз рўй бераётган ҳаракатни қандай кўришимиздан келиб чиқади. Сахнада ўтирган уч нафар одамни биз биринчидан, бир хил катталиқда, яъни, бир хил планда, иккинчидан зални доимо бир хил нуқтадан кўрамиз. Катталиқни ва нуқтаи ўзгартираётган режиссёр камераларни ишлатиб томошабинга бир одамни, кейин иккинчисини, кейин уччаласини кўрсатганлигини эсланг. Театрда сиз сахнанинг бутун борлигини кўрасиз, кўришнинг бошқа имконияти сизда йўқ. Экранда (камера билан «қирқилган», экран билан чекланган) борлиқ қисмини, яъни «кадрни» кўриш мумкин.

Ҳамма санъат турларидан кўра кинога кўпроқ телевидение яқинроқдир, негаки экрандаги кўриниш, ҳаракатлар ва товушлар худди кинодагидекдир.

Кинонинг ҳақиқатга яқинроқ эканлигига сабаб ундаги тасвир бир қанча фотосуратларнинг ҳаракати туфайли юзага келади. Тасвир плёнка ёки қоғозга туширилмаса ҳам телевидение ҳам худди шу принцип бўйича ишлайди. Бирон бир нарсанинг тасвирини тушуриш учун предметдан тарқалган ёруғлик нури объективдаги линза системасидан ўтказиш керак бўлади. Кинокамера ва телевизион камералари ҳам худди шу объектив ёрдамида ишлайди. Оптика қонунига бўйсунган ҳолда тасвир биринчи бўлиб объектив орқасидаги плёнкага, иккинчи ҳолатда эса нур ва электр сезувчи пластинкага тушади. Шунинг учун бўлса керак «фотография» сўзи нурни қайд этиш маъносини англатади, лекин бу сўз биз учун кўпроқ қоғозга туширилган фотосурат маъносини эслатади. Кинодаги тасвир — юқорида айтиб ўтилган принцип бўйича объектив орқали физика қонунига кўра кимёвий реакция бўлиб плёнкага тушади.

Киноэкрандаги тасвир бир неча фотосуратларнинг тез ҳаракатидан юзага келиб, бу фотосуратлар киноплёнкада акс эттирилган, узил-кесил бўлақлардан монтаж қилинган бўлади. Телевидение ҳам худди шу принцип билан ишлайди, лекин бу усул телевидение учун бошқача қўлланилади. Телеэкран тасвири физика нуқтаи назари бўйича нурни қайд этиш. Экранда тасвирланаётган воқеаларни кўрган бирон бир томошабин бу воқеани ҳақиқатдан ҳам кўз олдида бўлаётганлигига ишонмайди, албатта бу худди фантазияни тасвирга тушургандай гап. Аммо кинотасвирга томошабин қизиқиб кетишига режиссёрнинг маҳорати катта роль ўйнайди.

Телевидение ўз унсурларини кинодан олган бўлса ҳам, кино телевидение каби бўлаётган воқеани бир вақт ичидан тасвирга олиб томошабинларга ҳавола этмайди. Негаки кинодаги тасвир воқеаси бир вақтлар содир этилган бўлади. Кинонинг телевидениедан асосий фарқи шундадир.

Телевидениенинг кинодан асосий фарқи яна шундаки, унинг бир хусусияти – кўриш шароитлари ва аудиториянинг характериدير. Ушбу хусусиятлар қолганларидан кўра муҳимроқдир. Кўришнинг ўзига хос шароитлари, яъни телевизор экранининг кичик ҳажмли томошабин ва экрандаги инсон ўртасида ўзига хос алоқа ўрнатишни талаб этадики, мазкур алоқа ҳаётда мавжуд бўлган шахсий алоқага яқин туради. (Телевизион коммуникацияларида алоҳида маънавий ва жисмоний фазилатлар талаб қилинади). Қисқаси кўрсатувни қабул қилиш шартлари телеэкран ва аудитория ўртасидаги ўзига хос тавсифий ҳолатлардир. Кино маълум бир вақт томоша қилинса, телевидениени тўхтовсиз томоша қилиниб турилади. Кино санъат тури сифатида омма онгига йўналтирилса, телевидение эса жамоатчилик фикрини ифода этиб қолмасдан уни шакллантиришга йўналтирилади.

Шундай қилиб, телевидениенинг кинодан фарқи унинг ижтимоий вазифасидан келиб чиқади: телевидение журналистик вазифани бажарса, кино санъат вазифасини бажаради.

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

1. Телевидениенинг тасвирийлик хусусиятлари
2. Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари
3. Бевосита ва билвосита кўрсатувлар

Телевидение табиати унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Телекўрсатув икки йўналишда: телевизион-техника ва телевизион журналистиканинг маҳсули сифатида телетомошабин эътиборига ҳавола этилади. Телевиденияда ахборот яратиш ва узатиш канали воситаси сифатида тадқиқ қилганимизда унинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиб бораверади. Биз унинг физикавий ҳолатини умумлаштириб бошқа оммавий ахборот воситалари орасидаги фарқини ажратиб кўрсатишимиз зарур.

Телемарказда студияларга ўрнатилган камералар ёрдамида тасвир студия пультага ва у ердан марказий пультга юборилади. Марказий пультдан узатилган тасвир телеминораларга ўрнатилган ретронслятор (тўлқин тарқатувчи мослама) ёрдамида электромагнит тебратувчи тўлқинлар камраб олган ҳудудда узатилган канал орқали телевизион кўрсатувларни кўриш имконияти пайдо бўлади. Бир пайтнинг ўзида минглаб оилалар телевизорлари орқали телекўрсатувларни кўриши мумкин. телевидениенинг бундай хусусиятини «кенг кўламлиги» деймиз. Шундай хусусиятлар телевидение аудиториясида унинг оммавийлигини оширишда ва телекўрсатувларни узатишда хизмат қилади. Телевидениенинг кенг кўламли хусусияти радиога яқин турса ҳам физикавий жараёнлар электромагнит тўлқинлар тебраниши турли усулларда амалга оширилиши билан фарқ қилади. Радио узоқ, ўрта, қисқа ва ультрақисқа тўлқинлар ёрдамида кўрсатувларни амалга оширади. Кенг кўламлик хусусият телевидение ва радионинг бир-бири билан турдошлигини билдиради.

Ҳозирги пайтга келиб телекўрсатувлар узатиш ва қабул қилиш турли усулларда амалга оширила бошланди. Йўлдошли, кабелли, видеокассетали ва

рақам тасвирли телевидениелар мавжуд. Телевидениенинг бундай ўзгариши кенг кўламлик хусусиятига бошқатган қараб чиқишни талаб қилади. Чунки, бу усулда узатилган кўрсатувлар ҳамма учун бўлмай маълум манфаатдор мухлислар учун буюртма асосида узатилади. Телевидениенинг кўп қирралиги аудиториянинг дастур танланишини қулайлаштириш билан бирга унинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга йўл очади.

Телевидениенинг хонакилиги шундан иборатки, биз исталган вақтда дастурда белгиланган кўрсатувни уйимизда ёки ишхонада кўриш имкониятимиз бўлади. Оммавий сахна томошалари ва кинонинг маълум белгиланган жойларга бориб кўрамыз. Телевидение эса уйимизда кино, театр, концерт, спорт ўйингоҳлари ва бошқа воқеа-ҳодисаларни тасвир орқали кўз ўнгимизга олиб келади. Телевидениенинг тасвирийлик хусусияти кинога яқин бўлса ҳам улар ўртасида маълум фарқлар мавжуд. Кинони махсус бинода чегараланган вақт мобайнида кўпчилик бўлиб кўрилади. Телевидениенинг имконияти бир мунча қулай ва бошқача десак ҳам бўлади. Телевидение экранда кўрсатиладиган предмет ёки образлар бизнинг эътиборимизни қаратиш билан бирга ҳиссиётимизга таъсир қилади. Телевидениенинг тасвирийлиги нарса, ҳодиса ва образларни жонли ва жонсиз қилиб кўрсатишдадир. Бу унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Оммавий ахборот воситалари орасида фақат телевидение воқеа-ҳодисаларни тасвирда бевосита шу дақиқанинг ўзида томошабинларга хавола қилиш имкониятига эга. Телевидениенинг бевоситалик хусусияти ахборотни ишонарли бўлишига замин яратади. Ҳар қандай ҳолат, воқеа-ҳодиса экран орқали кўз ўнгимизда намоён бўлиши телевидениенинг ажойиб хусусиятидир. Камера қаршисида бўлиб турган ҳар бир насани ёки инсонни ўзини ўраб туроган манзарани маълум қисми билан ҳеч бир бўяшсиз тасвирлашнинг ўзи мўъжиза десак хато қилмаймиз. Намоён бўлган ҳаётнинг бир оний лаҳзасининг овозли ва шовқинли нусхаси намоён бўлиб кўчишини кузатар эканмиз, гўёки бизнинг кўз ўнгимизда бўлаётгандек туюлади. Телекўрсатувларни бошқа томошагоҳларда ўтириб кўрганимиздан ташқари афзаллик томонлари ҳам кўп. Ўйингоҳда ўтириб футбол мусобақасини томоша қилганимизда умумий майдон ва ўйинчиларнинг барчасини ҳаракатини кузатамиз. Агар эътиборимиз бошқа томонга чалғиса қизиқарли ҳолатни кўра олмай қолишимиз мумкин. Биз ушбу томошани телевидение орқали кузатганимизда умумий, ўрта ва йирик планларда ўйингоҳ, футболчилар ва бошқа ҳаракатларни нафақат кўриш, балки қайта кўриш имкониятига ҳам эга бўламиз.

Телевизор қаршисида ўтирган томошабин экран орқали ифодаланган тасвирни бевосита ва билвосита кузатиш имконига эга бўлади. Бевосита кўрсатув реал воқеликни намоён қилиб томошабиннинг эътиборини жалб қила олади, ҳамда руҳий ҳолатини акс этиш билан бирга эстетик завқ ва ҳиссиёт уйғота олади. Бевосита кўрсатувлар телевидениенинг оммавий ахборот воситалари ичида самарадорлигини оширишга хизмат қилиш билан бирга унинг тезкорлигини ва ахборот узатишда ишончлилигини таъминлайди. Билвосита кўрсатувларга бадиий-публицистик кино, театр, мусикий ва бошқа кўнгилочар кўрсатувлар киради. Ушбу кўрсатувларни тайёрлаш жараёни узок

вақтни қамраб олади, ҳамда ўз навбати билан кўрсатувлар дастурига киритилади. Билвосита кўрсатувлар телевидение видеокассетасида видеотасмага ёзиб олинган ҳолда сақланади.

Саволлар:

1. Телевидениенинг радио, матбуот, кино ва театрдан олган унсурлари.
2. Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
3. Бевосита ва билвосита кўрсатувлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ.

Режа:

1. Ахборот узатиш вазифаси.
2. Маданий – маърифий вазифаси.
3. Интегрatív вазифаси.
4. Ижтимоий-педагогик вазифа.
5. Таълим бериш вазифаси.
6. Рекреатив вазифа.

Алоқа воситаси сифатида телевидениенинг ижтимоий вазифасини билиш жамиятда оммавий журналист учун ўзининг маълум ўрнини эгаллаши, ўз касбий масалаларини, ўз ролини белгилаши учун имкон беради. Журналист бир томондан доим аудиториянинг талабини ҳисобга олиш лозим бўлса, иккинчи томонда телекўрсатув тайёрловчи ташкилот томонидан белгиланган мақсадларга хизмат қилиш зарур. Ватанимиз журналистикасида анъанавий тарзда давом этгани каби, униси ҳам буниси ҳам қўлланиб келинган. Илгари «бир ёқлама» жамиятда нима нарса талаб қилинса, бу талаб бугунги кунда ҳам ўзгаргани йўқ.

Баъзи мамлакатларда давлат органларининг тижорат телеканаллари аввалги анъаналарга мувофиқ кўрсатув учун бериладиган лицензиялар телестанция эгалари олдида қаттиқ талабларни қўяди, шу жумладан кўрсатув таркибига оид талабларни, кўрсатув берувчи аудиториянинг фақатгина кўнгил очишини эмас, балки унга ахборот етказиш ва маънавий юксалтириш мажбуриятини ҳам олади.

Европа оммавий ахборот воситалари институти олимлари 1990 йили шу қарорга келдиларки, кўрсатув бу – миллий бойлик, бутун аҳоли учун ягона тарбия ва мулоқат воситаси бўлиб баъзи бир гуруҳлар қўлида бўлмасдан жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи кишилар назорати остидаги муассаса бўлиши керак. Фақат эриинлик ва назорат оралиғидаги мутаносиблик шундаки, кўрсатувларнинг мақсадга йўналтиришдан келиб чиққан ҳолда, ҳукумат ва парламент телевидениенинг кундалик ички ишларига аралашмайди. Бу нарсанинг қуйидаги критерийлар воситасида Буюк Британия мисолида кўриш мумкин:

1. Жўғрофий универсаллик;
2. Барчанинг дид ва манфатларни қондириш;
3. Миллий озчилик манфаатларини ҳам ифода этиш;
4. Миллий руҳ ва жамоатчилик ҳақида ғамхўрлик қилиш;
5. Аудиторияни кенгайтириш мақсадида кўрсатувлар савиясини оширишга интилиш;

6. Ҳукумат ва шахсий манфатлардан воз кечиш
7. Ходимлар ижодий эркинлигини таъмин этиш.

АХБОРОТ УЗАТИШ ВАЗИФАСИ.

Барча оммавий ахборот воситалари мақсадидан келиб чиққан ҳолда энг аввало, якка шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Телевидение ўзидан илгари вужудга келган оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ ахборотни тезроқ, ишончлироқ ва хиссиётга бойроқ тарзда тарқатади.

Мунтазам ижтимоий ахборотга эга бўлиш замонавий ҳаётда тўлақонли иштирок этишнинг асосий шартига айланиб қолди. Бутун дунёда, ёхуд муайян ҳудудда рўй бераётган воқеалар ҳақидаги оғзаки хабарлар, репортажлардан иборат ахборот дастури хабарлар оқимининг яхлит мажмуаси сифатида шаклланади. Ахборот дастури кўрсатувларнинг долзарблиги ва муҳимлигини тақозо этади. Қолган кўрсатувлар эса янгилик ва ахборот эшиттиришлар орасида фойдаланилиши мумкин. Ахборот кўрсатувларининг дастурдаги ўрни ва вақти ўзгармас тамойил ҳисобланади.

Баъзан, янгиликларда воқеа жойидан тўғридан-тўғри олиб борилаётган репортажлар берилади, тўғрироғи, ўша воқеа-ходиса (албатта, содир бўлиши аввалданок маълум бўлган) айнан янгиликнинг шу сони эфирга кетаётган пайти содир бўлаётган бўлади. Бироқ, тўғридан-тўғри, яъни бўлиб ўтган эмас, балки бўлиб ўтаётган воқеа ходисаларни ёритиш билан шуғулланиш махсус ахборот каналларининг ваколатига киради (Масалан, Си-Эн-Эн ва бошқалар). Ушбу каналлар туфайли анг тезкор янгиликлар оқиб тушаётган водопровод суви, тармоқдаги электр қуввати каби кўплаб кишилар учун зарурий омилга айланади. Маълумки, дунёдаги етакчи сиёсатдонлар хонаси ва қабулхонасидаги телевизорлар канали Си-Эн-Энга уланган бўлади. Бу эса, дунёдаги сиёсий ва бошқа соҳалардаги энг тезкор янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Кишиларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида, тезкор хабарларни вақтида қидириш, топиш ва аудиторияга уни таъсирчан тарзда ва янги-янги усулларда бериш ахборотнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини яна бир қарра оширади.

МАДАНИЙ – МАЪРИФИЙ ВАЗИФАСИ.

Ушбу вазифа томошабинлар учун мўлжалланган барча дастурлар мазмунини ўзида ифода этади. Бироқ телевидениеда шундай дастурлар ва муҳим канал борки, айнан улар телеаудиторияни фан ва маданият ютуқлари билан таништириб боради. Бу каналда охириги йилларда маориф тизимини тарғиб қилиш мақсадида дидактик руҳдаги мавзулар юзага кела бошлади. Фақат маданий-маърифий вазифаси ва маънавий вазифалар ўртасида худди мактаб ва клубнинг ўзаро фарқи сингари тафовутлар мавжуд. Телевидение томошабинларга театр спектакллари ёки ўйин телефильмларини тўлиқ ойнаи жаҳонда олиб кўрсатиш орқали маданият бойликларини тарғиб этади. Санъатга айнан оид бу формалар журналистлар ва

бизнинг муҳокамаларимиз доирасида вужудга келди. Тележурналистика мақсадларига мувофиқ экранда айниқса, маданий-маърифий йўналишдаги кўрсатувларда барча тасвир имкониятларини ишга солиш билан бирга асосий профессионалик белгилари юзага келади. Ёзувчилар, музикачилар, рассомлар ва санъатшунослар изоҳлари билан санъат маҳсулотларининг намоишидан иборат турли кўрсатувлар драматургия ва уйғунлашув қоидаларига асосан тузилади. Муаллифларнинг маданий-маърифий йўналишидаги мақсадларини аъло даражада ўзига сингдирган Би-Би-Сининг 13 серияли «Инсоннинг юксалиши» номли фильми Ер юзининг хоҳлаган нуктасида томошабинларга телевидение лаёқатини кўрсатди. Фильмда Парфенон ҳақидаги телевизион ҳикоя Афинада, унда изоҳланганидек қадимги рим воқеалари ҳақида ҳикоя Хозирги Римда бўлиб ўтди ва ўша даврда яратилган меъморий ёдгорликлар ёнида туриб ҳикоя қилишда ўша давр руҳи намоён бўлади. Шунингдек, «Цивилизация» номли 15 серияли фильмнинг асосий бошловчиси Британия музейи директори Кеннет Кларк бўлади. Бу икки инглизча телевизион маърифий иш бутун дунёга маълумдир.

Ўзбекистон телевидениеси дастурида яхлит маданий-маърифий кўрсатувлар кам учрайди. «Бўстон», «Оламга саёҳат», «Маърифат», «Ватанни севмок иймондандир» каби маданий-маърифий кўрсатувлар Ўзбекистон телевидениеси журналистлари томонидан тайёрланса, чет эл телекомпанияларида ишлаб чиқарилган «Кусто командасининг сувости саргузаштлари» (Франция), «Учинчи сайёра» (Австралия), «2000 йилдан сўн» (Австралия), «Жиловланмаган Африка» (Халқаро жўғрофик жамият) телефильмлари таржима қилиниб намоиш қилинмоқда.

Бу йўналишдаги Россия давлат программаларига, хусусан, Юрий Сенкеевичнинг «Саёҳатчилар клуби», Василий Песков ва Николай Дроздовнинг «Ҳайвонотлар олами», Лев Николаёвнинг «Пи белгиси остида» ларни киритамиз. Профессор Сергей Капицанинг муҳарирлиги остида «Ойдинлик – эҳтимолга ўрин йўқ» программаси кейинги жараёнда юзага келди. Пекин британиялик ҳамкорлардан фарқли ўлароқ физик олим Капица кўпроқ асосий студия майдонларида иш олиб борди. Техник сабаблар натижасида туғиладиган таъсир, ҳаяжонли тўқнашувлар киноматериалдан ташқари умуман бошқа пайтда бошловчининг кинопарчаларини акс эттирувчи матнларини ёзишга олиб келди. Бундай кўрсатувларда илҳомлантирувчи ижодий мукаддималар йўқ, булар тезда расм билан безалган лекциялар, шунингдек, тартибга солинган телевидениенинг маданий-маърифий вазифаларини бошқача савияда бўлишига туртки эди.

ИНТЕГРАТИВ ВАЗИФАСИ.

Интегратив сўзи бирлаштирув маъносини англатиб бу вазифа орқали жамиятдаги турли миллат ва элатларни бир мақсад сари бирлаштиришни тарғиб қилади.

Барча оммавий алоқа воситалари, аввало, телевидение ўз табиатига яраша жамиятдаги меъёрий ҳолатларни қўллаб-қувватлаш учун ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилни. Кишиларнинг турли программаларни мунтазам кўриб бориш факти уларнинг муайян birlikлари ҳақида гувоҳлик беради, лекин,

эфирга олиб чикувчи иш жараёнида барчага алоҳида эътиборни ҳис қилган ҳолда ишламоқ шарт. Кўрсатувнинг вазифаси аудиторияга барча қимматли (умуминсоний, умумхалқ ва ҳоказо) қимматли маълумотларни очик кўрсатиш, жамиятга ҳавф туғдирувчи қарама-қаршиликларни, барча муаммоларни ҳал қилиш йўлларини муҳокама қилишидадир.

Кўрсатувнинг эфирга узатилишида қанча кенг кўламда ва ранг-баранг маълумот берилса, шунча программаларга бўлган эътибор кучаяди, яъни аудиториянинг ҳеч бири четда қолмаслиги учун аҳамият берилади. Миллий ва диний хусусиятлардан ташқари одамларнинг ижтимоий-психологик, ёшидаги тафовутларга қараб ижтимоийликка эътибор берадилар. Бундан ташқари телевизион каналлар ҳар бир томошабиннинг дунёдаги барча янгиликлардан хабардор бўлишдек эҳтиёжларни, уларнинг муайян гуруҳини, аниқ кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда қондиришади.

Интегратив вазифа эфирга узатиладиган телевизион публицистик, спорт, санъат, кўнгил очар кўрсатувларда ўз ифодасини топомқда. У гўё телевидениенинг бошқа (ахборот, маданий-маърифий, ташкилотчилик, маънавий ва ҳоказолар) вазифаларини ўзига умумлаштириб, қамраб олади. Журналист учун телевидениенинг интегратив вазифасини таъмин этишда, аввало лозим белги сифатида мавзуга, телевизиор олдидagi ҳар бир инсонга ғамхўрлик тариқасида жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб қилинади. Илгари кенг томир ёйган ватандошларни жипслаштириш йўлида жаҳондаги бошқа миллатлар билан таққослаштириш ҳолати (албатта кўрсатувларда) ўтиб кетди; «Биз» ва «Улар» ваҳоланки «Бизда» ғоявий юксакликлар талқин қилинса, «Уларда» айнан салбий сифатлар кўрсатилар эди. Ғоявий курашга олиб боровчи бу йўлни даф этиш учун 1986-87 йиллар собиқ Совет Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия, Япония каби қатор давлатлар билан телекўприк ўрнатилди, натижада «Биз» ва «Улар» сайёрамиздага оддий мулоқатдаги ҳамкор қўшнилардек ҳис қилина бошланди.

Ўзбекистонда халқларнинг миллатлараро муносабати телевидение орқали, тайёрланган дастурларда ифодланиши мумкин. "Халқаро канал" деб номланган IV каналда мамлакатимизда яшаётган турли миллатлар тилида бирдамликни ифода этувчи кўрсатувлар тайёрланмоқда. Шу билан бир қаторда тожик, қозок, қирғиз тилида тайёрланаётган кўрсатувлар ҳажми ошмоқда.

Кўрсатув тайёрлаётган журналист сиёсий жиҳатидан етук бўлиши билан бирга бошқа миллат ва давлат манфаатига зид бўлган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги зарур. Ҳар бир воқеа атрофлича, ҳар томонлама объектив талқин этилади.

1993 йил Россияда Давлатлараро «Мир» телекомпанияси ташкил этилди. Бу телекомпания телевидениенинг интегратив вазифаси кўламини кенгайтирувчи ва мазмунан ахборот маданияти ва маънавиятнинг ягона маконини сақлаб қолиш эканлигини англаб борапмиз.

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ВАЗИФА.

Бу вазифа бошқача қилиб айтганда, бошқарувчи вазифа дейилса ҳам бўлади. Чунки телевидениенинг аҳолига таъсири сиёсий ва маънавий

қадриятларнинг тарғиби билан биргаликда амалга ошади. Унинг даражаси эса ҳар бир давлатнинг характери, тарғибот ва таъсир кўрсатиш услубига боғлиқ. Ривожланаётган мамлакатларда давлатнинг маълум соҳадаги сиёсатининг телевидение тарғиботчиси ҳисобланади. Тоталитар режимда эса тарғибот барча телекўрсатувларни қамраб олади. Информацион кўрсатувлардан бошлаб санъат ва кўнгил очар кўрсатувларгача инсонларни давлатга бўлган хайрихоҳлигини тарғиб қилиб, унинг барча қарорларини ижро этишга чақиради.

Лекин, энг ривожлаиған мамлакатларда ҳам телевидение давлат сиёсатини амалга оширувчи восита ҳисобланади. Шу ўринда Британия эшиттирувлар корпорациясининг шиорини эслаб ўтиш керак: «Хабар қилиш», «Ўргатиш», «Кўнгил очиш», «Цивилизациялашган жамиятда ўрганиш» принципи, давлатнинг сиёсати, қарашларнинг мавжуд ҳолати ҳақидаги жамият фикрини шакллантирувчи йўналишдир. Агар сиёсат жамият равнақига қаратилган бўлса, шарҳловчи ҳеч қандай конфликтларга бормай, ғоялар тарғибини ўзининг шахсий эҳтиёжини ва қарашларидан келиб чиқиб бажариш мумкин. Лекин кейинчалик, давлатнинг сиёсий йўналишлари ёки бошқарув аппаратидаги ўзгаришлардан сўнг бу журналистнинг аудиторияга таъсири йўқолади. У ҳамма олдида «нима берса, шуни ўқийдиган» шахсга айланади.

Телевидениенинг ижтимоий-педагогик ёки бошқарув вазифаси интегратив ва информацион йўналишлар билан чегараланиб қолади. Информация-бошқарув асбоби ҳақидаги тушунча журналистикага кибернетика фанидан кириб келган. Информатор информация борасида аудиторияга «нима бериш ёки берилмаслиқни» ҳал қилмаслиги керак. Чунки у амалда аудитория манфаатини эмас, балки бошқарувчиларнинг манфаатини кўзлайди. Шунинг учун информация уни узатаётган одамларга боғлиқ бўлмаслиги ҳамда объектив бўлиши керак. Амалда бунга эришиб бўлмайди, лекин журналист барибир бунга ҳаракат қилади. Натижада информацион кўрсатувлар бундай тарғибот-ташвиқот принципларидан йироқда. Шунинг учун Би-би-си шиорининг биринчи қисми - «Хабар қилиш», унинг иккинчи қисми - «Ўргатиш» дан худди далил ва шарҳлаш каби фарқ қилади. Факт – бу ўзгартириб бўлмас ҳодиса, шарҳлаш эса эркин талқин қилинган фикр.

Аҳолининг ўзгариб бораётган ҳаётга ва оламга мослаштириб бориш бу асосий ижтимоий-педагогик вазифадир. Бу соҳада иш олиб боровчи журналист биринчидан ишонтирмоқчи бўлган аҳолининг реал психологиясини, уларнинг қадриятлари ҳақидаги тассаввурга эга бўлиши лозим. Иккинчидан, ижтимоий фикрни ўзгартиришга қаратилган йўналишни аниқ англаб етиши лозим. Муҳими шуки, журналист тарғибот чоғида ғояларни ҳеч қачон «бизники» ва «бегона»ларга бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ерда унинг ижтимоий-педагогик ва бирлаштирувчи вазифалари талаби даражасида ёндашиш зарур.

Маълумки, худудий телевидение умумдавлат телевидениесидан кўра ўз аудиториясига таъсир қилиши кучлироқдир. Бу ерда маҳаллий масалалар ўз ечимини аниқ топади. Журналист бундай кўрсатувларда ҳукумат ва халқ орасидаги энг муҳим ва кўзга кўринган воситачидир. У мансабдорлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди, шу билан бирга халқ номидан мурожаат қила олмайди.

Конкуренция шароитида бундай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўрсатув рейтинг бўйича кўнгилочар кўрсатувларга ютқазиб мумкин эмас. Жамият эртами кечми бу каби кўрсатувларга режиссёр ва журналистнинг маҳорати баҳо беради.

Шунга эътибор бериш керак-ки, демократик ривожланган мамлакатларда сиёсий бахсларнинг ечимини топиш учун альтернатив вариантларни қидириб топишади. Шунинг учун ҳам ирқчилик каби кескин муаммолар ўз ечимини аста-секин ҳал этила бошланади.

Сайловолди компанияларда цивилизациялашган жамиятда давлат ва ҳокимият номзодлари учун бир хил вақт ажратилади. Фақатгина журналистнинг маҳорати туфайлигина бундай кўрсатувлар кўнгилочар сиёсий – шоуга айланади, натижада сайловчилар ўз номзодлари ҳақидаги хулосани ўзларининг таассуротларидан оладилар.

ТАШКИЛОТЧИЛИК ВАЗИФАСИ.

Ижтимоий-педагогик ва бошқарувчилик вазифасидан фарқли ўлароқ, телевидение у ёки бу ижтимоий акция ташкилотчиси бўлиб қолиши мумкин. Бунга мисол тариқасида бир шаҳарнинг маданият саройида содир бўлган воқеани келтириш мумкин. Узлуксиз трансляция қилинаётган "қизиқарли саволлар кечаси" конкурсига минглаб одамлар қишки кийим ва валенкаларда кириб келишди. Гап шундаки, олиб борувчи кимда ким қишки кийимда ташриф буюрса уни совға кутишини эълон қилди. Ёзнинг иссиқ кунида бундай ҳолатни тасаввур қилаверинг.

Айрим ҳолларда телевидение давлат олдида қандайдир масалани қўшиб уни ҳаракатга келтирувчи ташкилотчи вазифасини ўтайди. Шаҳар ва туман доирасида журналистнинг бундай фаолияти кўринарлироқдир. Ҳеч қандай сенсация ва шов-шувсиз даҳа ва мавзе кабел телевидениелари бу вазифасини ўз зиммасига олмоқда. Чунки улар ўз аудиториясига яқин ва улар олдида маъсулдорлар (абонентлар учун). АҚШнинг кичик шаҳарларида интерактив кабел телевидениеси синовдан ўтказилмоқда. Телевизор кнопоклари ёрдамида томошабин у ёки бу фикрга ўзининг муносабатини, таклифини билдириши мумкин. Бу каби ташкилотчилик ҳақиқий ижтимоий ҳаракатдир. АҚШ тадқиқотчиларининг фикрига кўра яқин, орада интерактив телевидение ҳокимият йиғинларининг барча масалаларини ҳал қилишни ўз бўйнига олади.

Ўзбекистон телевидениесида пайдо бўлган телемарафонлар жамиятдаги аҳолининг турли қатламига ўзига хос услубда мурожаатлар ва ташаббусларда намоён бўлмоқда. Дастлабки телемарафон 1990 йил "Навруз" байрамига бағишланган бўлиб республикамиз аҳолисини байрамга чорлаб, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар учун хайриялар йиғишни – ташкил этган эди. Бу хайирли ишга ўнлаб – юзлаб жисмоний ва юридик шахслар баҳоли қудрат ўз улуши билан иштирок этди. Бундай телемарафонлар мустақилликка, "Соғлом авлод" йилига ва бошқа мавзуларда ҳам тайёрланмоқда.

Республикаимиз халқини огоҳлик ва жасоратга ундовчи "Сени ҳеч кимга бермаймиз Ўзбекистон" телемарафони ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта касб этади.

ТАЪЛИМ БЕРИШ ВАЗИФАСИ.

Йирик олимлар, энг яхши мутахассислар ривожланган мамлакатларда ташкил этилган телеуниверситетларда таълим берадилар. Томошабинларга телелекция текстларини юборувчи, имтиҳондан сўнг диплом берувчи пуллик телеуниверситетлар ҳам мавжуд. Телевидение мактаб ва олий ўқув юртларида ўқиётганларга бевосита ёрдам бериб, малакали педагоглар етишмовчилик масаласини ҳал қилмоқда. Уй шароитида ўқиш учун асосан кабел орқали икки томонлама телеалоқа зарур. Кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, телекурслар оддий тайёрлов курсларидан самаралироқдир.

Ўзбекистон телевидениесида бу дастур етарли йўлга қўйилмаган бўлиб, мавсумий тайёрланади.

РЕКРЕАТИВ ВАЗИФА.

Рекреация сўзи, лотин тилидан «тикланиш» деб таржима қилинади, яъни «хордиқ чиқариш», «инсон меҳнат жараёнида сарфланган кучларни тиклаш». Бу турдаги кўрсатувлар журналистикадан четда. Кўплаб кўнгил очар кўрсатувлар журналистик ижодга алоқадор бўлмаса ҳам маънавий томонлама бир тартибга солишни муҳаррирга маъсулият юклайди. Шу билан бирга, аудиторияга жамиятда яшовчи турли қатламдаги кишиларнинг ҳаётий ва оддий турмуш тарзи- ҳақида маълумот берувчи ўйин телесериалларнинг ҳужжатлилиги билан чегараланади. Бундай кўрсатувларга видеоклиплар, камедияли фильмлар, турли конкурслар, "Келин куёв", "Иқбол" шоу дастури киради.

Биз ҳар доим кўриб турган кўрсатувда қаҳрамонлар образларнинг ҳаёт ва тафаккури номоён қилиб борилади. Бундай тушунчалар ижтимоий қадрият ва ижтимоий ахлоқ мезонига айланиб боради. Натижада, бизга таниш бўлган турли мавзулардаги кўнгил очар кўрсатувлар дунёқарашимизни шакллантиришга хизмат қилади. Афсуски, бизнинг телевидениеда реал "воқеъеликни айнан тўғридан тўғри кўсатиб берадиган репортаж шаклидаги қизиқарли кўрсатувлар учрамайди. Бу ишни амалга оширишда журналист ва режиссёрдан юксак маҳорат талаб қилинади.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда кўнгил очар кўрсатувларни махсус телекомпаниялар ва студияларда тайёрлайди. Журналист бундай дастурларда кўрсатув олиб боровчи ёки муҳаррир вазифасини бажаради. Биз, ҳар куни кўриб турган концерт дастури ҳам муҳаррир иши ҳисобланади. Борди-ю концерт унинг иштирокчилари билан суҳбат қуриш, ёки машхур "юлдуз" ҳаётини ёритиб берилган лавҳа билан қўшиб олиб борилса, журналист ушбу кўнгил очар кўрсатувнинг тўла қонли иштирокчисига айланади.

Саволлар:

1. Телевидениенинг жамиятда тутган ўрни.
2. Бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ телевидениенинг жамиятдаги вазифалари.

ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАБИАТИ.

Режа:

1. Экран унсури.
2. План ва монтаж турлари
3. Кадр ва ракурснинг фарқлаш

Телевидение оммавий ахборот воситасигина бўлиб қолмай, балки ижоднинг бир тури ҳамдир. Ижоднинг ҳар бир тури ўзига хос бадиий унсурга эга бўлади-ки, у ижодкор ўз ғоясини рўёбга чиқариш учун ишлатадиган техник усуллар ва тасвирий ифода воситалари йиғиндисидан иборатдир. Ижодкорнинг маҳоратини фақатгина ижоднинг техник томонига боғлаш хато бўлар эди, аммо муаллиф ғояси таъсирчан, аниқ ва чуқур акс эттирилиши кўп жиҳатдан унинг ифода воситаларидан фойдалана билиш даражасига боғлиқдир. Телевидение ва кино ўз ифодалаш воситалари моҳияти жиҳатидан умумий унсурга эга, «экран унсури» тушунчасининг умумий тарзда бўлса ҳам, мазмунини аниқлаб олиш даркор.

Маълумки, экран унсури киночилар томонидан вужудга келтирилган. Ушбу унсур кино усталари томонидан ривожлантирилган ва томошабинлар томонидан ўрганилган ҳамда тушунилган даврда телевидение пайдо бўлган. Барчага маълумки, биз экранда маконнинг бир қисминигина кўрамиз. Кинокамераларнинг (шунингдек телекамераларнинг ҳам) нигоҳи маълум қисмидаги рамка билан чегараланган бўлади.

Хозирги ҳар бир лаҳзада кўринадиган экран рамкаси билан чегараланган макон қисмининг тасвири «кадр» деб аталади. Ифода этишнинг экран воситалари кино ва телевидение фақатгина макон сифатигагина эмас, балки замон сифатига ҳам эгадир. Шунинг учун кадр тушунчаси замондаги давомийлик, яъни тасвирнинг экранда бўлиб туриш давомийлиги хусусиятини ҳам ўз ичига олади.

Кадр – деб шунингдек камеранинг «битта назари» билан, яъни камеранинг тўхтовсиз иш давомида олинган ёки бошқача қилиб айтганда бир ҳолатни камерадаги плёнка ҳаракатининг бошидан охиригача ўтган даврда олинган (ёки телекамерани тасвирни эфирга узатиш вақтидан бошлаб, то уни эфирдан ўчиришгача ўтган даврда олинган) фильм (ёки телекўрсатув) қисмига ҳам айтилади.

План – деб кадрда мавжуд бўлган тасвир масштабига айтилади. «План» тушунчаси тасвирланаётган фигура ёки предметнинг катталиги даражасини билдириб, камера ёки тасвирга олинаётган фигура ўртасидаги масофага ва объективнинг фокус масофасига боғлиқ. Планлар кўпинча уч турга бўлинади: умумий, ўрта ва йирик. Батафсилроқ эса 6 турга бўлинади:

1. Узоқдаги план (инсон ва уни қуршаб турган шароит);
2. Умумий план (инсон бор бўйича);
3. Ўрта план (инсон тиззасигача);
4. Ярим план (инсон белигача);
5. Йирик план (инсоннинг боши);
6. Микроплан (деталь, масалан турли хил вирус микроблар кўз);
7. Макроплан (табиатнинг ёки бирор шаҳарнинг умумий кўриниши).

Шуни айтиб ўтиш зарурки, айрим телестудияларда «план» сўзи бир пайтдаги лаҳзани ифода этувчи тушунча сифатида қўлланилади. Бу ўринда «кадр» сўзининг иккинчи маъносини (яъни камеранинг «битта назари» билан олинган фильм ёки кўрсатув қисми) қўллаш ўринлидир. Хусусан, «узун (ёки қисқа) план» тўғрисида гапирилади, ваҳоланки, «узун (ёки қисқа) кадр» тўғрисида баҳс юритиш керак. План эса йирикроқ ёки майдароқ бўлиши мумкин, аммо узунроқ ёки қисқароқ бўлиши мумкин эмас.

«Ракурс» ҳам экран унсурининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Ушбу атама тасвирий санъатдан олинган бўлиб, дастлаб у тасвирлаётган манзара фигураларининг ҳар қандай кичрайишини, қисқаришини билдирган. Мазкур атама тасвирий санъатнинг ясси тасвиридан манзарали тасвирига ўтиш даврида пайдо бўлган. Вакт ўтиши билан ракурс деб фигура ёки предметларни ғайриоддий нуқтаи назардан (юқоридан, пастдан ва шу кабилардан) туриб тасвирлашда пайдо бўлувчи кучли қисқаришлар атала бошланди. Кино пайдо бўлишининг дастлабки йилларида ракурс деб фақат объективнинг оптик ўқи ва предмет юзаси ўртасидаги бурчак тўғри бурчакдан катта ёки кичик бўлганидаги ҳолатига айтилар эди. Бундай ҳолатда тасвирга олинган манзарада съёмка объектининг бир қисми қисқаради ёки катталашади. Шубҳасиз, ракурс тасвирга олинаётган съёмка нуқтасига, камеранинг тасвир объекти ҳолатига нисбатан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бугунги кунда ракурс тушунчаси объективнинг оптик ўқи ва предмет юзаси ўртасидаги ҳар қандай бурчакни, шу ҳисобда тўғри бурчакни ҳам билдиради. Хозирда оддий ва ғайри оддий ракурс тўғрисида баҳс юритилади, ваҳоланки кино ва телевидение пайдо бўлган дастлабки даврда ракурс деб фақат ғайриоддий нуқтаи назар тушунилан ва бунда фигура ва предметнинг тасвирий бузилиши кузатилган. «Ракурс» тушунчасининг бошқача ишланиши шу билан изоҳланадики, замонавий оптика фигура ва предметларнинг ҳажмини акс эттиришда, ҳатто фронтал съёмкада ҳам тасвирий масофани ўзгартириб боради.

Юқорида баён этилгандан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, кадр, план, ракурс тушунчаларисиз экран тасвири мавжуд бўла олмайди.

Ҳақиқатдан ҳам экрандаги тасвир фақат экран юзини эгаллаш мумкин, яъни у экран рамкаси билан чегараланган, у бирон бир ҳажмга эга ва охири, уни бирон бир ракурсда кўриш мумкин. Ушбу хусусиятлар тасвирий санъатга ҳам хосдир. Аммо картина ёки расм ва экрандаги тасвир ўртасида жиддий бир фарқ бор: экрандаги тасвир доимий эмас, у пайдо бўлади ва ғойиб бўлади. Бундан ташқари, экрандаги тасвир ҳаракатда бўлади, ҳаракат эса макон ва замонда давомийликка эга.

Фильм ёки телекўрсатув бирин-кетин ўзгариб турувчи тасвир-кадрларнинг бутун йиғиндиси билан томошабинга таъсир кўрсатади. Кадрларнинг доимий оқими – экраннинг муҳим хусусиятидир. Демак, бир кадрдан кейин иккинчисининг келиши, уларнинг вақт бўйлаб жойлашуви, ҳамда экранда пайдо бўлиш изчиллиги катта аҳамият касб этади. Кадрларнинг маълум тартибда жойлаштирилиши *монтаж* деб аталади. Монтажга XX асрнинг бошида дастлабки киночилар асос солганлар. Кинодаги образлиликка америка режиссёри ва сценаристи Дэвид Гриффит асос солган эди. Томошабин экранда кадрларнинг тўхтовсиз оқимини кўрса-да, аслида фильм ишлаб чиқариш жараёнида кадрлар алоҳида – алоҳида суратга олинади. Тасвирга тушириш натижасида олинган кадрларни кино тасма қисмларини бир-бири билан бирлаштириш, елимлаш керак бўлади. Ушбу соф механик жараён техник монтаж дейилади, икки кадрнинг бирлашиш жойи эса склейка (ўзбекчасига елимланган жой маъносини билдиради) дейилади. «Кадр» тушунчасини, одатда фильмнинг бир парчаси сифатида елимланган жойидан иккинчисигача бўлган қисмига ҳам айтилади.

Кадр бир зумдаги фотосуратларнинг маълум бир миқдоридан иборатдир, уларнинг ҳар бири *кадрча* дейилади. Кадрчаларкино проекторда секундига 24 та кадр тезлигида алмашилиб туради ва натижада экранда ҳаракатланувчи тасвир пайдо бўлади. Катта миқдордаги кадрчалардан иборат бўлган ва экранда узок вақт кўринадиган кадр узун (ёки секин) кадр дейилади. Кам миқдордаги кадрлардан иборат бўлган ва экранда қисқа вақт кўринадиган кадр қисқа (ёки тез) кадр дейилади. Кадрлар узлуксиз тасма қилиниб бирлаштирилади. Бу, юқорида айтилганидек техник монтаж бўлиб соф механик жараёндир.

Аммо кадрлар бир-бири билан онгли равишда бирлаштирилиши, монтаж қилиниши керак-ки, улар орасида аниқ боғлиқлик бўлиши зарур. Кадрларнинг бундай бирлаштириш жараёни «конструктив монтаж» дейилади. Конструктив монтаж ўз ичига техник монтажни ҳам олиши аниқ. Конструктив монтажнинг мақсади экранда ҳаракатни тўғри акс эттиришдир. У фақатгина иккита талабга жавоб беради: биринчидан, кадрлар мантикий ва тушунарли тартибда бориши керак ва иккинчидан, ҳар бир кадр томошабин унинг мазмунини англаб олишга улгура оладиган даражада узун бўлиши даркор.

Кўриб турганимиздек, конструктив монтаж унча мураккаб нарсас эмас, уни грамматикага ўхшатиш мумкин. Грамматик жиҳатдан тўғри гапириш ёки ёзиш унча қийин эмас, унга ижодий ёндашиш ҳам зарур эмас. Худди шунингдек, монтаж даврида ҳаракатнинг экранда тўғри акс атишни ва кадрлар ўртасида аниқ мантикий алоқа бўлишига эришишда ҳам ўзгача мураккаблик йўқ.

Конструктив монтажга оддий мисол келтиришимиз мумкин.

1. Одам автомобилда кетяпти;
2. Тўхтаган автомобилдан чиқяпти;
3. Уйга кирапти;
4. Зинадан кўтариляпти;
5. Хонадон эшиги қулфини очяпти;
6. Хонага кирапти;

7. Кетидан хонадон эшигини ёпяпти;
8. Пальто ва шляпасини ечяпти;
9. Пальто ва шляпасини илмоққа осяпти;
10. Хонага кияпти ва стол ёнига ўтиряпти.

Бу ерда кадрларнинг ушбу алмашилиб туришида ҳаракат тўғри акс эттирилган ва кадрлар орасида мантиқий боғлиқлик бор. Худди шундай характерли алоқа оғзаки нутқда ва адабиётда ҳам мавжуд.

Демак, бу киноматографиягагина хос алоқа бўлмай, тавсифий – ҳикоя алоқасидир. Ҳар бир кадр аниқ бир маънога эга бўлади. Шубҳасиз ушбу кадрларнинг жойини алмаштириб бўлмайди. Масалан бундай монтаж қилиб бўлмайди:

Одам автомобилда кетяпти.

Уйга кияпти.

Тўхтаган автомобилдан чиқяпти.

Хонадон эшиги қулфини очяпти.

Зинадан кўтариляпти.

Бу ерда мантиқ бурилган, ҳаракат нотўғри тасвирланган. Баъзида шошилишч монтаж қилинган тезкор (оператив) хроникада шундай камчилик сезилиб қолади.

Лекин бошқача монтаж ҳам қилиш мумкин:

Одам автомобилда кетяпти.

Зинадан кўтариляпти.

Кетидан хонадон эшигини ёпяпти.

Хонага кияпти ва стол ёнига ўтиряпти.

Бунда мантиқ бузилмайди, фақатгина монтаж ёрдамида киноэкрандаги замон ва макон «қисқартирилган», худдики ҳикоядан замон ва макон қисмлари олиб ташланганидек. Умуман олганда биз кинокадрлар маконни тўла ва аниқ хис қилишимизга имкон бермай, фақат унинг тассавурини беради. Экрандаги тасвир маълум маънода шартлидир, ҳақиқий, реал воқеликнинг уч ўлчовли макон тасвири эмас балки маконнинг икки ўлчовли тасвиридир.

Аммо кадрлар ўзаро шундай боғланиши мумкинки, улар орасидаги алоқа фақат образли бўлади. Бу бадиий монтажда акс этади. Мазкур атама маъносини тушуниш учун мисолларга мурожат этамиз. Я.Протазановнинг «Авлиё Йорген байрами» фильмидан иккита кетма-кет кадрни олайлик.

Чўпон йўл бўйлаб подасини ҳайдаб боряпти.

Шу йўлнинг ўзидан зиёратчи диндорлар тўдаси кетяпти.

Шу кадрларнинг ҳар бири алоҳида олганда қандайдир маълумотларни ўз ичига олади, аммо ҳеч қандай фикр билдирмайди. Мазкур кадрларнинг бирикуви аниқ бир фикрни бера олади: С.Эйзенштейнинг таъбирича «фикрни чакмоқ тошни уриб чиқаргандек пайдо қилади». Кетма-кет кўринган ушбу кадрларнинг мантиқий боғланиши соф киноматографик боғланишдир. 1-кадр ва 2-кадрнинг бирикуви натижасида фикр пайдо бўлади лекин ҳар бир кадр алоҳида олганда тушунарсиз эди. 2-кадрнинг маъноси йўлда зиёратчилар кетаётганида эмас, балки улар қўй подасидек кетаётганидир. 2-кадр 1-кадрда мавжуд бўлган маънони ўз ичига олади, 2-кадрдаги маъно унинг ошкора маъно,

таъсиридан анча кенгдир. Ушбу оддий мисол бадий монтажнинг С.Эйзенштейн томонидан таклиф этилган формуласини англашга ёрдам беради: бир кадр плус бир кадр, баробар иккита кадр эмас, балки... бундан анча катта нарса.

Бундан кўра мураккаброқ классик бўлиб қолган бадий монтажга яна бир мисол – Ве.Пудовкиннинг «Она» фильмидаги ишчиларнинг «Биринчи Май» намоёниши машҳур эпизодини келтирамиз. Режиссёр намоёниш кадрларига муз кўчиш кадрларини монтаж қилган ва бу билан табиатда баҳор келишидан тўхтатиб бўлмас, шиддатли инқилоб образини яратган. Бу кинокадрлар бадий монтаждан келиб чиққан метафорадир.

Аниқ бўлдики, конструктив монтаж бадий монтажнинг бир элементи, таркибий қисмидир. Конструктив монтаж ёрдамида экрандаги макон ва замон узлуксизлигини енгитиш, замон ва маконни «қисқартириш» ёки «чўзиш», ҳаракат ва воқеаларни мантикий боғлаб, аниқ ҳикоя қилиш мумкин.

Бадий монтаж ёрдамида эса воқеликни экранда оддий акс эттиришгина эмас, уни талқин этиш, тушунтириш мумкин. 20-йилларда С.Эйзенштейн ва Ве. Пудовкин бошчилигидаги кино усталари кадрларни фақатгина боғлаш эмас, балки «уруштириш»и ҳам мумкинлигини, кино бадий монтаж ёрдамида томошабинга фақат акс эттирилаётган тушунчалар билангина эмас, балки вужудга келтирилган образлар орқали таъсир қила олишни исботладилар.

Монтажнинг ифода этиш воситаси сифатидаги имкониятлар билинганидан кейин кино ҳақиқий санъатга айланди. Ҳикоянинг драматургик жиҳатидан қизғинлик билан олиб боришнинг киноматографик воситаларидан бири «параллел монтаж»дир. Ҳар хил жойларда ва турли вақтда тасвирга олинган кадрларни кетма-кет кўрсатиш натижасида икки турли ҳаракатларнинг бир вақтда бўлаётганлиги тўғрисида тушунча ҳосил қилиш ва шу билан уларнинг ўзаро алоқасини, ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш мумкин.

Реал воқеаликда бир вақтнинг ўзида ҳисобсиз кўп воқеалар рўй беради. Боғлар гуллайди. Болалар мактабда сабоқ олади. Тракторлар ерни ҳайдайди. Кимдир ўқ отади. Кимдир ўпишади. Кимдир ҳаёт билан хайрлашади. Воқеликни тушунтирмоқчи, талқин этмоқчи бўлган ижодкор ушбу ҳаракатларни акс эттирган кадрларни шундай танлаш керакки, улар орасида боғланиш яққол намоён бўлиши зарур. Агар у бир вақтнинг ўзида рўй берган ҳаракатларни уларнинг маъноси аниқ намоён бўладиган қилиб монтаж қилса, бу воқеликнинг оддий тасвири бўлмай, муаллиф талқини ҳисобланади. Телеянгиларда бу усулдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак, чунки муаллиф талқини билан воқеаларнинг ҳақиқий ривожини алмаштириб юбориш ҳавфи бор. Публицистик ва бадий фильмларда ундан фойдаланиб экранда мураккаб мавҳум тушунчалар ва ғояларни акс эттириш, ҳис-туйғуларни чуқурлаштириш ва кучайтириш, сюжет ривожига жўшқинлик ва қизғинлик бахш этиши мумкин. Параллел монтаж деярли барча кино фильмларда қўлланилади, албатта унинг таъсир этиш кучи бир хил эмас, у сценарист ва режиссёр иқтидорига боғлиқдир.

1936-1938 йиллардаги фуқоролар уруши тўғрисидаги «Испания юраги» ҳужжатли фильмида режиссёр қуйидаги параллел монтажни беради:

Фашист армияси бомбардимончилари Мадрид устида.

Кабинадаги учувчи бомбани ушлайдиган дастани босяпти.
Мадрид устига тушаётган бомба.
Нюринбергдаги халқ оммаси олдида нутқ сўзлаётган Гитлер.
Бомба тушиш давом этапти.
Римда халқ оммаси олдида нутқ сўзлаётган Муссолини.
Бомба тушиши давом этмоқда.
Бомба Мадрид кўчаларида портламоқда.

Бу ерда параллел монтаж ёрдамида Франконинг немис ва итальян фашизми билан боғлиқлиги тўғрисида фикр аниқ ифодаланган ва бу алоқа соф киноматографик усул билан сўзсиз кўрсатилган. Турли хиллик параллел монтажнинг яна бир хусусияти бўлиб кадрлар бир-бирини кесишиб турли хиллик ўтишини ҳар томонлама монтаж деймиз. Унга мисол қилиб Гриффитнинг «Мурасасизлик» фильмидаги эпизодни олиш мумкин: Жинойт содир этишда ноҳақ айбланган одам ўлим жазосига ҳукум қилинган, аммо қатлдан сал аввал унинг беайблиги аён бўлади. Экранда биз бир қатлга тайёргарлик кўрилатганини, бир эрининг айибсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни олиб келаётган айбланувчининг хотини келаётган автомобильни кўрамиз. Ушбу кадрлар бирин-кетин алмашилиб туради, қизғинлик энг юқори нуктага етади, жаллод қўлини кўтаради, айбланувчининг хотини қамоққа югуриб киради ва қатл бекор қилинади.

«Испания юраги» фильмидаги мазкур эпизоддаги воқеалар параллел қилиб кўрсатилган, реал воқеликда эса улар бир вақтни ўзида содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Худди шунингдек, «Испания юраги» фильмида Мадридга ташланган бомба айна Нюринберг ва Римда фашистлар анжумани бўлиб турган дамда портлаган бўлиши шарт эмас. Режиссёрнинг ушбу воқеаларини экранда параллел равишда кўрсатиши кадрлар орасида боғлиқлик борлиги тўғрисидаги талқиннинг исботдир.

Ҳар томонлама монтажнинг энг гўзал кўринишини С.Эйзенштейннинг «Потемкин броненосици» фильмидаги Одессада рўй берган ўққа тутиш эпизодидир. Ички субъектив алоқаларни кўрсатиш учун қўлланиладиган параллел монтаж – *ассоциатив монтаж* дейилади.

Режиссёр кадрларни монтаж қилганда уларни экранда кетма-кет алмашиб туришини аниқ бир ритмини вужудга келтириши, уларни кўрсатишнинг тез ёки секин темпини шакллантириш мумкин. Аниқки монтажнинг у ёки биз темп ва ритмли монтаж қилинадиган кадрни нисбий узунлигига бошқача қилиб айтилганда ҳар бир кадрдаги кадрчаларнинг миқдорида боғлиқ. Темп ва ритм томошабин онгининг рацион соҳасига йўналтирилган бўлмай, балки кўпроқ ҳис-туйғулар соҳасига йўналтирилгандир. Ушбу қисқа тавсифни яқунлаб ифода воситаси сифатидаги монтаж тушунчасини тушуниш учун ўта муҳим бўлган бир ҳолатни айтиб ўтиш зарур. Монтаж фақатгина кино соҳасига хос нарсаси эмас, уни санъатнинг бошқа турларида ҳам, айниқса адабиётда ҳам учратиш мумкин. Насрда ҳам, назмда ҳам монтаж элементлари: кадрлаштириш, ҳажмини ўзгартириш, яъни планлар алмашинувида, параллел монтажни ва ҳоказоларни учратиш мумкин. Аммо кино санъати монтажни адабиёт ёки тасвирий санъатдан тўғридан-тўғри олган деб, ҳисоблаш нотўғридир. Кино монтажга ўз

йўли билан, реал воқеликни акс эттиришда, аввалига максимал, ҳаққоний, кейинчалик образли-поэтик акс эттириш йўли билан борди.

Инсоннинг атрофини ўраб турган борлиқни англаш, билиш жараёни, табир жоиз бўлса, «монтаж» характериға эға. У ушбу жараёни акс эттириш адабиётға аллақачон аён эди. Аниқ бўлдики, худди шу мақсадға интилаётган кино ҳам шу усулдан фойдаланди. Ушбу нарса монтаж такомиллашиб бориши билан аниқроқ намоён бўлди. Бизнинг кино ва телевидениенинг ифода этиш воситалари тўғрисидаги қисқача маълумотимизда ҳаракатни тасвирға олиш тўғрисида бир оғиз айтмасак тўлиқ бўлмас эди. Ифода этишнинг ушбу экран воситаси телевизион журналистикада алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур воситанинг имкониятларини аниқ тушуниш учун ҳаракатланувчи камера билан тасвирға олишнинг турларини фарқлаш даркор. Улардан бири – *панорамалаштириш*. Ушбу атама билан ўз вертикал ёки горизонтал ўқи атрофида айланадиган камера билан тасвирға олишни панорамалаштириш дейилади. Камера жойида туради лекин тепаға ёки пастға, ўнгға ёки чапға айланади холос. Панорамалаштиришда гўё бир жойда турган одамнинг кўз ва бошининг ҳаракатини кўрсатади. Бундай съёмкаларни биз футбол кўрсатувларида кўришимиз мумкин. Бунда камера бир жойда туриб горизонтал текисликда панорама қилиб коптокнинг йўналишини кузатади.

Съёмканинг иккинчи тури — *ҳаракат* ёки *трэвеллинг* деб аталади. Travelling – инглизча «саёҳат» деган маънони англатади. Бу шундай съёмкаки унда тасвирға олинаётган шахс ёки нарса объектив оптик маркази ва предмет текислигидаги бурчакда ўзгармас бўлиб туради. Мисол учун бунга съёмка қилишда кўча ёқаси бўйлаб камеранинг ҳаракат (горизонтал трэвеллинг) ва ердан томгача бўлган (вертикал трэвеллинг), юриб бораётган автомобиль ёнида ҳаракатланаётган камера тушинилади.

Травеллингнинг ўзига хос жиҳати – трэвеллинг орқаға ва трэвеллинг олдинға ҳаракати. Орқа ва олдинға бўлган тез-тез ҳаракатда объективнинг кўриш бурчаги ва тасвир катталиги ўзгаради. Охирға пайтларда бундай камера ўрниға тасвир бурчагини ўзгартирувчи махсус объектив ишлатилмоқда.

Съёмканинг учинчи тури – *траекторияли* съёмкадир. Бу камера ҳаракатининг қийинроқ тури бўлиб, уни амалға ошириш учун махсус, ҳар томонға айлана оладиган кранлар керак бўлади. Траекторияли съёмкалар иштирок этган фильмға мисол қилиб «Мен – Куба» (реж. М.Калатозов, оператор С.Урусовский) фильмини олиш мумкин. Бу ерда камера 5 минут давомида битта кадрни суратға олади: олдин осмонға кўтарилиб, пастға тушади, бассейн атрофидаги одамлар орасидан ўтиб, сузувчи билан сув тубиға шўнғиб кетади ва хоказо. Экран унсурларини бирма-бир санаб ўтар эканмиз уларни гўё синтаксисда тиниш белгилар вазифасиға қиёслагимиз келади. Бу ўхшатишни айнан қабул қилиш тўғри эмасдир. Бизға экраннинг яна шундай унсурини санаб ўтиш қолдики, улар ҳеч қандай аҳамиятға эға бўлмаса ҳам, лекин томошабин диққатини чалғитмай воқеликнинг силлиқ кўчишиға ёрдам беради. Булар – шўнғиб ўтиш (наплыв), қораймоқ (затемнение), ўрин алмашиш (вытеснение ёки «шторка»),

қўш экспозиция, силлиқ ўтиш (скольжение), равшанлаштириш (расфокусировка).

Бир қарашда бу усуллар том маънода техник имкониятлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин режиссёр ва операторларнинг маҳорати билангина улар кўрсатувга бадий-мантикий эффект бериши мумкин. Охирги йилларда электрон эффектлар ҳисобига бу усуллардан фойдаланиш ҳажми кенгайди.

ТАСВИР ВА СЎЗНИНГ МОСЛИГИ.

Журналистиканинг вазифаси мавжуд инсонларни реал ҳолатда кўрсатиш. Бирор фикрни бировга етказиш ёки бирор мавзунини ривожлантиришда биргина камеранинг имкониятларидан фойдаланиш етарли эмас. Шу сабабли сўз телевидениедаги ҳужжатли услубларнинг энг муҳим тушунчасидир. Аммо журналистикада сўзнинг вазифалари матбуот журналистикасидан биров фарқ қилади. Кадрдаги ёки кадр ортидаги сўз гўёки тирилиб кетгандай бошқача чирой олади. У экранда нима кўрсатилаётганидан катъий назар тимсоллаштирилган, яъни образлаштирилган, янада яқинроқ айтадиган бўлсак, реаллаштирилган. Шунинг учун ҳам экрандаги сўзга қўйилувчи талаблар, матбуотда фойдаланувчи сўз олдида қўйиладиган талаблардан бутунлай фарқ қилади.

Сўз экран учун жуда муҳим. Бу – шубҳасиз. Аммо кинодаги сўз билан телевидениеда ишлатилувчи сўз ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Телевидение шароитида яратилган образнинг таъсири кинода яратилган образчалик кучли эмас. Телевидениеда яратилган образ ўз таъсирчанлигини ошириш учун кинодан фарқли ўлароқ кўринишни сўз билан мустаҳкамланиши лозим. Сўз экрандаги тасвирни қабул қилишни осонлаштиради, қабулни чуқурлаштиради, кадрнинг чегараларини кенгайтиради, томошабинни ўйлантиради. Тўғри сўзнинг кинодаги вазифаси ҳам худди шундай. Аммо телевидение ва кинода ишлатилувчи сўз ва тасвирларнинг томошабин томонидан турлича қабул қилиниши бу икки соҳанинг бир-биридан фарқланишини билдиради. Киноматографияда тасвирнинг таъсири биринчи ўринда тургани сабабли кинодаги сўз телевидениедагидек катта аҳамиятга эга эмас. Телеэкранда сўз ва тасвирнинг алоқа қилиши мушкул. Баъзи бир ҳужжатли фильмларда кўрсатилаётган тасвирларга ҳеч қандай гап ёки сўз керак бўлмайди.

Эслатиб ўтиш даркор, биз кўриб чиқаётган масаланинг ечими ё сўз, ё тасвир эмас, зеро тасвирсиз телевидениенинг бўлиши мумкин эмас. Тасвирсиз фақат радио бўлади холос. Гап телевидениеда сўз ва тасвирнинг бир-бирига мос тушиши устида кетяпти. Бир нарса аниқ, томошабин учун сўзни қабул қилиш анча осон. Бу фикрни телевидениеда ҳозирги кунда ўзига хос «ток шоу»ларнинг жуда оммавийлашиб кетгани ҳам исботлаб турибди. Тўғри, ўз ичига ҳеч қандай сўзни олмаган телевизион фильмлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо кинода бу ҳол жуда кам учрайди. Сўзсиз фильмларда тасвир жуда кучли бўлиши лозим. Чунки томошабин тасвирдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди.

Телевидениеда сўз ва тасвирнинг мослиги ҳақида гапирганда яна бир нарсани айтиш даркор. Жойларда олиб кўрсатилаётган репортажда сўзни тасвир воситаси сифатида фойдаланиб, радиога ўхшаб ҳикоя қилинса унинг аҳамияти

деярли йўқолади. Шунинг учун баъзи ҳолларда бирор жойдан репортаж олиб бораётган журналистнинг бўлиб ўтаётган воқеани тасвирлашда томошабинга фойда келтириш ўрнига фақатгина зарар кўрсатиш мумкин. Сўнгги сўз ўрнида телевидение орқали айтилаётган сўзнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш лозим. Телевидение мулоқотининг ўзгача бир кўринишидир. Биз телеэкрандаги инсон билан бевосита мулоқот қила олмасак-да, у бизга киноэкрандаги образдан кўра анча яқинроқдир. Биз уни бевосита кўриб турганимиз учун эса уни бизга радиодан гапираётган суҳандондан ҳам яқинроқ қилади. Бундан ташқари экрандаги тасвирнинг қандай шароитда томоша қилинаётгани ҳам уни қабул қилишда катта аҳамиятга эга.

Экрандаги инсон нафақат хабар тарқатувчи эмас, балки томошабин билан мулоқатда бўлиши лозим. Телевидениега бемалол, ҳис – ҳаяжонсиз суҳбат кура олувчи кишиларни жалб қилиш лозим. Оғзаки суҳбатни импровизациясиз тасаввур этиш қийин, шунинг учун ҳам у ёзма нутқдан жуда катта фарқ қилади. Интонация, бирор бир ҳаракат айтилаётган сўзнинг, фикрнинг таъсирчанлигини оширади.

Саволлар:

1. Монтаж усуллари ва турлари.
2. Қандай съёмка турларини биласиз?
3. Сўз ва тасвир бирлигининг асослари.

КЎРСАТУВ, ДАСТУР, КАНАЛ.

Режа:

1. Телевидениеда дастур тайёрлаш маҳорати.
2. Телевидение туркум кўрсатувлар ўрни.
3. Телевизион журиал яратиш муаммолари.

Умуман олганда даярли барча телевизион жанрлари тоза кўринишда камдан-кам ҳолларда учрайди. Кўпроқ улар телевидение амалиётчилари томонидан кўрсатувлар дастурлари, 80-йиллар охиридан бошлаб эса *видеоканаллар* деб атайдиган мураккаброқ циклли кўрсатувлар яратишнинг таркибий қисмлари учун ўзига хос элементлар сифатида хизмат қилишади. Телевидениенинг бошланғич босқичидаёқ томошабинлар хонадонига бошқа санъат турлари (кино, театр, эстрада) асарларини келтириб берувчи ўзига хос ижара идораси бўлиш вазифасидан ташқари нафақат дам олиш воситаси балки улкан ижтимоий-сиёсий имкониятга эга эканлигини тушунган биринчи тележурналистлар оммавий ахборотнинг янги имкониятларини қўллашга (аудитория доимийлиги каби), вақти-вақти билан мавзуларга, қаҳрамонларга, муаммоларга қайтиш имкониятини излашга имконият берувчи мураккаб кўп образли телевизион шаклларни қидира бошлашди. Бу ерда журналистикада синаб кўрилган шакллар ёрдамга келганлиги маълум (айтганимиздек, янги жанр, тур ёки кўриниш яратилиши даврий ходиса). Имтиёзли йўл – бу маълум бўлган жанр

модификацияларини қайта ўзлаштириш, уларни мазмунан бойитиш, янги шароитларда муваффақиятли қўллай билишдир.

Радио «янгиликлар бюллетени» жанри шаклини яратдики, бу шакл кейинчалик телевидениеда ҳам қўлланила бошланди. Моддий базасининг ўсиши, портатив камералар тадбиқ этилиши, овозни синхрон ёзиб олиш қўлланилиши ва ниҳоят, портатив видеокамералар (камкордлар) пайдо бўлиши билан экранда янгиликлар чинданда ишончли бўлиб кўринади. Аммо ахборот хизматлари олдида ечилиши лозим бўлган махсус муаммолар ҳам пайдо бўлди.

Телевидение ўз ижтимоий вазифаларини амалга ошириб, гоҳо турлича, кўпроқ тематик жиҳатдан ўзаро боғлиқ, аммо доимо етарли даражада мустақил, автоном ва ҳатто ўзича қадрли бўлган материалларни бирлаштириш усули билан вақтли журналистикада журнал деб аталадиган усулдан жуда тез кенг фойдалана бошлади.

Журнал (француз тилидан journal – кундалик дафтар) - бу публицистик бадиий ёки илмий асарларни ўз ичига олган вақтли нашрдир. Телевизион журнал ҳам худди шундай вақтли (ҳафталик, ойлик) кўрсатув бўлиб, бир ном остида турли мавзуларга оид материаллар тўпланган.

Дастурда телевизион журналнинг оммабоплигини объектив сабаблар ва қонуниятлар билан тушунтирса бўлади. Қизиқиши, ёши, маълумоти, профессионалиги ёки бошқа белгилари бўйича аудиторияни ажратишга имкон берадиган ушбу шаклнинг йўналтирилганлиги, манзиллилиги бизнинг ҳаётимизда ғоят муҳимдир. Шу билан бирга аудиториянинг торайиши журналнинг билим бериш ва тарбиявий таъсирини кучайтиришга олиб келади (қизиқишлар бўйича ажратиш мисоли: ТТВда «Омад», ЎзТВда «Оламга саёҳат»).

Томошабинларнинг маълум бир гуруҳига мурожаат этиб ва дастурда барқарор ўрин эгалланган журнал аудитория билан мунтазам алоқа ўрнатишга имкон яратади. Бу эса ўз навбатида бир қатор дастурлар давомида журнал доирасида у ёки бу муаммоларни чуқурроқ кўриб чиқишга имкон беради. Журнал шакли маълум мавзунини (иктисодиёт, фан, спорт, мусиқа) кўп кўринишли равишда ёритиш учун йўл очиб беради. Журнал кўрсатув шакли сифатида ижодий тажриба ўтказишга кенг имкониятлар туғдиради. Шу боис ҳам журнал элементларнинг («саҳифаларининг») турли жанрлилиги, ҳамда телевидение уddалай оладиган барча тасвирий-ифодали воситалардан фойдаланиш имкони принципиал муҳим аҳамиятга эга ва бу ўз навбатида турли ғоявий-ижодий масалаларни ҳал қилиш учун йўлларни очади. Ва ниҳоят, журналнинг яна бир жиддий афзаллиги – бу материалларни эркин равишда тузиш ва оптимал ритмик-композицион изчилликни ўргатиш билан таъминланадиган шаклнинг ҳажмлилигидадир. Тележурналнинг турғун аломатларини ажратиб, шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу шакл доимо ўзгаради ва янги жиҳатларга ва хусусиятларга эга бўлади. Дастурларда доимо чуқурлашиб борадиган тематик бўлинишлар уларда янги бўлимларнинг пайдо бўлиш тамойиллари тележурналга таъсирини ўтказмай қўймайди. Вақт ўтиб бориб янада аниқ ўринлар аниқланади, аммо бунда кўпинча тематик доиралар

тораяди. Телевидение амалиёти шуни исбот қиладики, доимий обрўли бошловчи – публицист ёки таниқли мутахассисга эга бўлган журналлар одатда энг оммабоп ва аҳамиятли бўладилар.

Бирмунча кўпроқ давом этадиган журнал турдаги дастурларни 90 йиллар бошида видеоканал деб атайдиган бўлдилар. Аслини олганда, «канал» сўзи телевидениега мувофиқ ишлатилганда – бу техник атамадир (тўғри маънода айtilган бу сўз коммуникация канали ёки масофадан тасвир ва товушни узатишни таъминловчи алоқа каналида ишлатилади). Аммо амалда олдинлари бир неча бор бўлгани каби, оддий тушунчанинг маъносини бошқача қилиб англаниши юз берди (чунки журнал ҳам бу босмахона шрифтида тўлдирилган ва бир-бирига тикилган қоғозли саҳифаларнинг маълум миқдори). Бир неча соат давом этадиган ва бир бошловчи олиб бориладиган дастурга «Маърифат», «Сомон йўли», «Болалигам – пошшолигим» видеоканали деган ном берилди.

Телевидениенинг маҳаллий студияларида ҳам бир-биридан алоҳида ҳолатда бўлган дастурларнинг ўрнига бирлашган видоканаллар пайдо бўлди. Афтидан, видеоканалнинг маълум бўлган жиҳатлари тўғрисида айтиш мумкин: бу ўзига гоҳи тамомила мустақил дастурларнинг таркибий қисмларни киритадиган, вақт жиҳатдан жуда муддатли «терма» телевизион дастурдир, аммо шунга қарамасдан унда осонгина аниқланадиган бирликни ҳудудий ёки тематик характерли жиҳатларни кузатиш мумкин ва уларда бир неча машҳур бошловчилар қатнашиб, ўзгача бир конференсьелик йўли билан турли элементларни бир бутунликка бирлаштирадилар.

Нихоят, шоу деб ағаладиган кўп сонли кўрсатувлар синфини айтиб ўтамиз (совет телевидениесидаги унинг тимсоли - «Янги йил кечаси» дастури). Бугунги кунда бу кўп сонли, асосан музикаий ва сўзсиз кўнгилочар дастурлардир. Бундай дастур сценариясини тузиш оддий бўлмаган нарсаларни ўйлаб топишни ва телевидениенинг техник имкониятларини бенуксон билишни талаб қилади.

Бундай дастурлар тоифасига, жанрини (телевидениедан анча аввал) М. Кольцев «викторина» деган омадли сўз билан атаган кўп сонли телевизион ўйинларни киритиш мумкин. Бу жанрга тўла ҳуқуқ билан Россия телевидениесининг КВН, «Поле чудес» (Мўжизалар майдони), интеллектуал ўйин «Что? Где? Когда?» («Нима?, Қачон?, Қерда?») ни ҳам, соддагина «Любовь с первого взгляда» («Бир кўришда севмоқ») ни ҳам, «Счастливый случай», «О счастливчик», Ўзбекистон телевидениесида эса «Келии-куёв», «Ўйла, изла, топ», «Балли, раислар» дастурини киритиш мумкин.

Бундай терма дастурларни яратишда муаллиф роли нақадар катталиги тушунса бўлади. Бундай вазиятда у дадиллик билан редакторнинг ҳам, режиссёрнинг ҳам, ижодий жараённинг бошқа қатнашчиларининг ҳам фаолиятига бостириб киради. Муаллиф-сценарийчи гоҳи бундай дастурнинг бошловчиси ҳам бўлади. Унинг маълум бир соҳадаги билимлари, эрудицияси, одоби, жозибаси, топқирлиги, ҳазилни билиш ҳисси, ҳамманинг олдида овоз чиқариб фикр юритиш қобилияти, меҳмонни студияда камеранинг олдида «гаптиришни» удалай олиши ва кўпгина бошқа зарурий жиҳатлари пировардида тележурналга, видеоканалга, шоуга, викторинага муваффақият

келтиради. Бошловчи мувоффақияти маълум бир маънода кадр ортида қолган барча дастур яратувчиларининг биргаликдаги меҳнати натижасини рўёбга чиқади.

Саволлар:

4. Телевидениеда дастур тайёрлаш маҳорати.
5. Телевидение туркум кўрсатувлар ўрни.
6. Телевизион журиал яратиш муаммолари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ЖУРНАЛИСТИК ИЖОД ВА ФАОЛИЯТ.

Режа:

1. Тележурналистикада ижодий гуруҳ билан ишлаш йўллари
2. Шарҳловчи, коментатор, телерепартёр маҳорати
3. Интервьючи, шоу олиб боровчи ва модератор.

60 йилларда кадрда ишлайдиган ҳар бир журналистни «шарҳловчи» деб аташарди. Бора-бора эса телетомошабинлар олдидаги журналистнинг қиёфаси шаклланиб борди. Ҳар бир тур кўрсатувнинг услуби, қонун-қонидаси шаклланди; уларни чалкаштириб юбориш мантиқсизлик саналарди.

Улар қуйидагилар:

1. Телемухбир;
2. Шарҳловчи;
3. Интервьючи (йирик интервьюлар устаси аналитик);
4. Олиб боровчи (мунозара ёки бошқа кўрсатувлар, чет элда уларни модератор деб аташади);
5. Ток-шоулар олиб боровчиси;
6. Информацион кўрсатувлар олиб боровчиси (АҚШ да информацион кўрсатувлар олиб боровчисини янгиликлар тақдим этувчи деб аташиб уларни аниқ равишда шарҳловчи ва мухбирдан ажрата олишади).

Бизнинг телеэкран амалиёти тележурналист қиёфасини аниқ, соф ҳолда белгилаб беролмайди. Айрим ҳолларда бир кўрсатувда журналист барча ролларни ўзи бажаришига тўғри келади, масалан вилоятлар телеканалларида журналист ҳам интервьюер, ҳам шарҳловчи, ҳам оператор, ҳам редакторлик вазифасини бажаради. Лекин асосийси бу ҳолларда жанрлар бир-бири билан аралашиб кетмаслиги лозим, бизларда эса бу нарсага эътибор беришмайди.

Эртами кечми ёш журналист ўзининг касбий имкониятларини белгилаб олади ва ўзи эплай оладиган ишларни бажаради. Йиллар ўтган сари журналист қиёфаси ўзгариб боради, лекин бу жараён организмнинг психофизик жараёнидир. Халқаро мавзуга оид шарҳнинг устаси телекўприкда лом-мим дея олмаслиги мумкин. Шунингдек кўчада омма билан ишловчи мухбир, студиядаги монологни ижро эта олмайди, йирик планда ўзини ноқулай ҳис этади. Бу нарса интервьючи билан ҳам содир бўлиши мумкин, доим санъат ахллари билан суҳбат олиб боришга ўрганган интервьючи сиёсатчи билан ҳеч қачон суҳбат олиб боролмайди. Бундай ҳоллар кўплаб учраб туради: чунки журналистга ҳеч ким, унинг экрандаги қиёфасини, унинг имиджини топишга ёрдам бера олмайди. Бундан ташқари,

экран журналистларига ёрдам берувчи режиссёрларнинг камлиги ҳам бош сабаб бўлмоқда.

Америкалик машхур тележурналистлар Питер Дженнингс, Дэн Разер, Том Брокау, Фил Донахью кабилар ҳам шу йўл билан танилганлар. Бундай талантлар атрофида бошқа янгиликлар йиғувчилари тўпланишади, чунки бу қобилиятлиларга кўрсатув – рейтинги ва даромади боғлиқ. Коллектив билан ишлаб бу журналистларнинг асосий касбий сифатидир.

Булардан ташқари журналист ёқимли кўринишга, ширин овозга ва тўғри талаффузга эга бўлиши лозим, булардан ташқари кенг дунёқарашга эга бўлиши, инсон ва ҳаёт сирларини билиши, ақл ва топқирликка эга бўлиши, сабрли, камтарин ва ўзига ишониши керак ва асосийси коллективда ишлай олиши лозим. Бу сифатлар барчада бўлиши қийин, лекин журналистик ҳаётда иштирок этувчилар ўзларида бу сифатларни ривожлантириши керак.

Ҳар бир журналист интервью оладиган кишисига ўзини ҳамма нарсада тайёр эмасдек кўрсатмоқчи бўлсада, саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиши зарур. Ироқ вакили оқшом янгиликларига интервью бераётган пайтда олиб борувчи Тед Коппел уни БМТ сиёсати ва ҳарбий авиация ҳақидаги саволларга кўмиб юборди. Кейинчалик бир ҳафтадан сўнг Ироқ вакили яна «Си-эн-эн» кўрсатувида интервью бергани келганда Кинг ундан АҚШ бу уруш ҳолатида бўлган давлатда яшаш оғир эмасми деб сўради. У эса «Шахсан ўз фикримни айтсам анча оғир» деб жавоб берди.

«ТВ-ревю» журнали танқидчиси Ю. Богомоллов телеэкранда Хозирча ўзим ўйлаб топишим мумкин бўлмаган саволларни кам эшитяпман деди. Бошқачароқ қилиб ўз фикрини у шундай изҳор этди: «Менинг ўзим кўтаришим мумкин бўлган оғирликни кўтараётган штангчи полвонни кузатишнинг қизиғи йўқ. Рекордларни кўриш қизиқ. Шунинг учун ҳам чиройли, қизиқарли саволларни ёқтираман. Қизиқарли жавоб олмоқчимисиз, қизиқарли савол топинг» деб ёзади у. Хулоса шуки, интервью олувчининг ўзи ақлли, билимли, одамларни тушунадиган бўлиши лозим. Лекин бундай мутахассислар афсуски кам.

Шу билан бирга йирик шоулар яъни – оммавий кўрсатувлар ташкил этувчилар жуда кўпчиликка таъсир этиши мумкин. Сиёсий кўрсатув ҳам шоу бўлиши мумкин (масалан депутатликка ёки президентликка номзодлар билан учрашувлар) ёки шоу шаҳарнинг қишга тайёргарлиги, меъморий лойиҳалар танлови ҳақида ҳам бўлиши ҳам мумкин.

Миллатлараро муносабатлар анча таранглашган 1992 йилда В.Познер собиқ иттифокнинг турли томонларидаги «қайноқ нуқталарда» яшовчи ёшларни мулоқотга чорлади. Кўрсатув давомида ёшлар мактаб ўқитувчилари ўз мулоқотлари якунида, барча миллат вакиллари энг аввало инсонлар ва улар биринчи навбатда инсон сифатида бир-бирига муомала қилиши лозим деган ғоят муҳим хулосага келдилар. Бунинг замирида албатта журналистнинг кўрсатувга Хозирлик кўргани, ҳар бир савол жавоб устида чуқур ўйлагани, уларнинг ўнлаб ёрдамчи вариантларини яратгани, ўзининг муомаласи, керак бўлса, ҳазил-мутуйибалари билан турли келишмовчилик ва муаммоларни ҳал этишга эришганлиги ётади.

У кўрсатув иштирокчилари тўпланган аудиторияда эркин ҳаракат қилади, сўз олиш учун қўл кўтарган ҳар бир иштирокчи олдида тез боради ва унга ўзига хос савол билан йўл излайди. Айки пайтда, ўзини камерадан четроқ тутати, ёнидаги иштирокчини ҳам тўсиб қўймайди. В.Познер ўз аудиторияси олдида сўзламайди, аксинча унинг ўртасида ишлайди. Бу кўпчилик олиб борувчиларга насиб бўлмайдиган бахт.

Бугун шоу кўрсатувларни кўплаб тележурналистлар олиб боришяпти. Улар ичида турли фикрдаги қатнашчиларни аудиториянинг икки томонга ўтказиб кўрсатув олиб бориш кенг тарқалди. Бу кўрсатувлар анча жиддий тортишувларга бой бўлиши мумкин. Шунинг учун олиб борувчи унга пухта тайёрланиши, ўзини тутиш, савол бериш, муомала, кўпинча қатнашчиларни аниқ мақсад атрофида бирлаштириб тура олиши лозим. У суҳбатдошини яхши ўрганиши, воқеанинг ҳар қандай ривожига тайёр туриши лозим. Бунинг учун эса у қўйилаётган муаммони чуқур билиши керак. Суҳбатдошига ўз фикрини изҳор этиши учун тенг вақт бериши, уларни (фикри гарчи унга ёқмаса ҳам) эътибор билан тинглаши, ҳурмат билан муносабатда бўлиши зарур. У албатта воқеанинг ривожини чуқур ҳис этиши лозим. Унинг вазифаси суҳбатдошларни мавзудан чиқмаслигига, эмоционал руҳни йўқотмасликка эришишдир. Энг муҳими олиб борувчи суҳбат иштирокчисига айланмаслиги, у ёки бу томонга ўтиб олмаслиги лозим. Тўғри, у суҳбатдоши билан баҳслашиши, унинг фикрига гумон билан қараши мумкин. Кўпинча тележурналистга юқори мартабали суҳбатдошлар билан мулоқотда ўзини тутишига қараб ҳам баҳо беришади. Журналист юқори лавозимли киши олдида ҳам ўзини йўқотмаслиги, улар билан ҳам юксак маҳорат ва мулоқот олиб бориши лозим. Интервью ва ток-шоу (оммавий кўрсатувлар) ҳам олиб борувчидан тезкор муносабат, зукколик ва сезгирлик, топқирлик ва маҳорат, энг муҳими суҳбатдоши билан самимий маданият ила мулоқот қилишини талаб этади. Унинг қўполликка йўл қўйишга ҳаққи йўқ.

Турли хилдаги ток-шоу (оммавий кўрсатувлар) турига матбуот анжуманлари (Россия телевидениясининг «Без ретуши» кўрсатувини мисол қилиши мумкин). Бунга сайловолди жараёнда номзодларнинг бирма-бир тортишувларини ҳам қўшиш мумкин. Унда суҳбатдош шеригининг ўзига ёқмаган ёки ғазабини келтирадиган саволига ҳам жавоб бериши керак. Бу пайтда олиб борувчи қўшилмасдан, мустақил ролини ёқлаб қолиши зарур. Агар улар илгариги партия журналистлари каби бирор томонни ҳимоя қилиб кўрсатувлар олиб борсалар у ҳолда бу жанр инкирозга учрашига шубҳа йўқ.

Студияда оммавий кўрсатув олиб бораётган тележурналистни кимёвий жараённи реакцияга киритишда кўмаклашадиган катализаторга қиёслаш мумкин. Маълумки катализатор реакцияда қатнашмайди лекин уни тезлаштиришга ҳисса қўшади. У ёки бу машҳур, таниқли журналистнинг кўрсатувда иштирок этиши телевидение характерини ўзгартиради. Ёш журналист учун эса бу – катта мактаб вазифасини ўтайди. Машҳур тележурналистнинг кўрсатув тайёрлаш жараёни унга иш фаолиятида катта ёрдам беради.

МУҲАРРИР – ИЖОДИЙ ЖАРАЁН ТАШКИЛОТЧИСИДИР.

Телевизион ижодий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси умумий ишнинг муҳим принципларини амалга оширишда ўз вазифасини адо этади. Ана шундай дамда асосий масъулият муҳаррир зиммасида бўлади. Бу тележурналистлар ўз-ўзидан маълумки, кадрда ишламайдилар. Муҳаррир бу кўрсатув тайёрлаш ижодий жараёнининг ташкилотчисидир. Муҳаррирлик маҳорати журналистика факультетида таълим бериш жарёнида асосий курс сифагида таништириб борилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, телевидениеда муҳаррирлик рубрика режаларини тузишдан бошланиб (бу кўпроқ продюсерлик вазифасига яқин) тўғридан-тўғри кўрсатув ёки видеоматериалларга мос рубрика ишларини бошқариш билан якунланади.

Янгиликларни олиб чиқишда муҳаррирлик қилиш ойида бир бор чиқадиган журнал типигаги кўрсатувлар тайёрлашдаги муҳаррирликдан фарқ қилади. Телефильм муҳаррири «ток-шоу» ни ташкил этишда жавобгар муҳаррир ва бошқа ҳамкасбларидан ажралиб туради. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам телевидениеда адабий соҳадаги ишлар фақат сўз устида ишлаш эмас, балки қандай кўрсатувни эфирга олиб чиқишдан қатъий назар томошабинни жалб этадиган кадрлар ҳақида ҳам қайғурилади. Бу жиҳатдан газета журналистларига бўлган масъулиятни ишониб топширмаслик лозим, чунки уларнинг нуқтаи назаридан тайёрланган кўрсатувлар зерикарли бўлиб қолади, томошабинга таъсир қилмайди. Газета журналисти телевидениедаги ҳамкасбига қараганда кўпроқ сўз ифодасида муаммоларни ёритишга интилади. Шунинг учун тажрибада икки киши иттифоқ бўлиб ишлагани маъқул, яъни бири муаммоларни, яна бири эса телевидениенинг ўзига хос хусусиятларини билади. Бу иккилик – автор ва режиссёр ёхуд автор ва муҳаррирдир.

Газета ёки бошқа нашрларда эълон қилиш мумкин бўлмаган нозик масалалар телевидениеда кўрсатув иштирокчилари билан бирга муҳаррир томонидан танланади ва таклифлар асосида кўрсатув тайёрланади. Газета журналисти учун маълум бир киши ҳақида у ёки бу доирадаги фаолияти ёки муҳим тарихий воқеа ҳақида суҳбатдошидан олинган интервью етарли бўлса, телекўрсатув учун бу ҳали кифоя қилмайди. Кўрсатувда иштирокчи билган хабар эмас, балки инсон сифатида ўзи муҳим роль ўйнайди. Демак, муҳаррир суҳбатдошнинг ташқи қиёфаси ҳақида ҳам (томошабинда) яхши тассаввур уйғота олиши керак (бунда ички қиёфа доим фарқ қилиб туради); муҳаррир маълумот берилаётган пайтда иштирокчининг нотўғри ҳатти-ҳаракат қилмаслигига, жисмоний қусурларини кўрсатмаслигига ишонч ҳосил қилмоғи лозим (масалан, дудукланиб қолиши, ўзини йўқотиши ва ҳоказо). Шу сабабли бўлғуси суҳбатдош билан телефонда эфир вақти ва шу кабилар ҳақида келишиб олиш ҳавфли, чунки кўрсатув пайтида иштирокчи муҳаррир учун кутилмаган вазиятлар туғдириб қўйиш мумкин. Энг яхшиси, ўша киши билан учрашиб, кўрсатув тарзини олдиндан белгилаб олиши, шунингдек, унга кийимлари, пардоз-андози ҳақида айрим маблаҳатлар бермоғи шарт.

Чунки арзимас ҳисобланган, олайлик, иштирокчидаги бирор нотабий жиҳат ҳам томошабин назаридан четда қолмайди. Ёки, мисол учун, у кийган ҳаворанг кўйлак эфирдаги ҳаворанг фонда йўқолиб қолиши мумкин. Умуман, тажрибали муҳаррир бир киши биланми ёхуд жамоа билан кўрсатув

тайёрламасин, мана шу сингари жиҳатларни кўздан кечирази ва кўрсатувнинг оригинал чиқишида шулар катта ўрин тутишини англаб етган бўлади.

Етарли маданий савияда кўрилмаган тайёргарлик ва кўрсатувдаги муҳаррирлик натижасида эфирда кетаётган бирор тайинсиз хабар ҳам телевидение обрўсига путур етказди.

Юксак даражадаги муҳаррир бошқарув қобилиятини эгаллаган ҳолда эфирга узатилаётган ҳар бир ҳолатга жавобгарликни ўзида ҳис қилмоғи, телевидениедаги муҳим ва мунозарали саволлар юзага келтирган зиддиятли вазиятларнинг ечимини топмоғи керак. Бу жиҳатдан муҳаррир ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз касбига, ишлаётган жамоасига бўлган содиқлигани сақлаб қоладиган, масъулиятни теран ҳис қиладиган кўплаб репортёрлар билан боғланиб ишламоғи, ахборот тўплашни шу йўсинда ташкил қилмоғи маъқул.

Шундай қилиб, телемуҳаррирлик – бу фақат адабий ёндошув билан ишлаш эмас, турли-туман ахборотларни экранга олиб чиқишда уларнинг шаклу шамойилига жило берувчи ташкилотчи ҳамдир. Агар янгиликлар атайлаб, эски кадрлар билан жонлантирилса, у ҳолда телехабар мувофиқлиги йўқолади.

Янгиликни видеошарҳда етказишда муҳаррир образлар ёрдамида асосламаса, тележурналистиканинг ўзига хос ҳақиқий тош-тарозиси борлигидан беҳабарликни билдирази. Муҳаррир айна дамда репортёрларга нисбатан қай тарзда муносабатда бўлиши мумкинлиги борасида ҳақ-ҳуқуқлари талайгина. Масалан, у репортёрларнинг ўз материални қисқартиришни ёки ўзгаришлар киритишни талаб қила олади. Ҳатто муҳаррир репортёр меҳнат самарасини эфирга бутунлай бермасликка ҳам ҳаққи бор. Бунда у ўз ғараз мақсади ёки манфаатидан келиб чиқиб эмас, балки ҳолисона ёндашади.

ТЕЛЕРЕПОРТЁР.

Бўлғуси журналистлар тафаккурида, билим даражасида янги кирраларни кашф этиш, уларга журналистиканинг сир-синоатларини танитишда энг оммавий ва энг серқирра соҳа – репортёрликни ўргатиш ҳисобланади. Репортёрлик (мухбирлик) кўп кўринишларда акс этади: репортёр «горизонтал» бўйича инсоний хатти-ҳаракатлар доирасида иш олиб борса (илм-фан, тиббиёт, жиноят, сиёсат, экология ва ҳоказо янгиликлари билан ишлаш), «вертикал» йўналишда, айтилик, бир ҳудуддаги жами хабар, янгиликни оммага етказишга интилади. Яна, универсал-репортёрлар ҳам борки, улар «махсус мухбир» сифатида барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади (АҚШда уларни «генералист» деб аташади). Айрим ночор телекомпаниялар уларнинг тор доирадаги мутахассисларини афзал кўришади. Бундай туркумдаги репортёр ҳар қандай соҳада ҳолис кузатувларининг барча принципларини тадбиқ этишга қодир бўлмоғи лозим. Агар генералист оммага қараганда бирор предмет хусусида кўпроқ маълумотга эга бўлса, у тайёрлаган репортаж шунча содда ва тушунарли бўлади. Бундан ташқари репортёр (махсус) ўзи учун ҳақиқий кўринган барча нарсаларга ишқибоз бўлишида ҳам ҳавф бор. Шунинг учун, генералист ўз кундалик янгилик рубрикаларини тайёрлашда махсус мухбирга қараганда тезкор ишलोмоғи лозим.

Жаҳондаги кўпчилик репортёрлар тезкор телеахборот ишларини бажаришади, лекин яна шундай тоифадагилари борки, улар узоқ ва синчиклаб давом этадиган телетекширувлар билан машғулдирлар. Баъзилари ўз такдирларини тележурналларда маданий-маърифий рубрикалар тайёрлаш билан боғлайдилар. Бунга мисол тариқасида Россия программаларидан «Пи белгиси остида», «Ярим кечагача ва ундан кейин» каби машхур профессионал репортёрлар бошчилик қилишган кўрсатувларни келтириш мумкин. Қайсики, айнан студиядан ташқарида ўзига хос услубда тайёрланган.

Репортёрлик – реал ҳаётда телеведениенинг асосий моҳиятидир. Репортёр – томошабин ва реаллик ўртасидаги ҳолис боғловчидир, яъни даллолдир. Асл профессионал репортёрлик маҳорати 3 компонентга боғлиқ: 1) Қаерда ва қачон ҳамма учун қизиқарли, ҳаммабоп нимадир бўлса, ўша ерда ва ўша пайт зарур съёмка техникалари билан бўлиш; 2) Оператор билан бирга бўлаётган ёки бўлиб ўтган намоишларни аниқ танлаб, уларни ёзиб, кадрда кўрсатиш; 3) Кўрсатилаётган ҳодисаларни қамраб оладиган лўнда ҳикояни (изоҳни) кадрга илова қилиш.

Биринчи қисм вазифаларини амалга ошириш репортёр ва телеташкилот системасидаги мураккаб иш жараёнига боғлиқ. Қоидага мувофиқ воқеаларни кўрсатишда олдиндан ниманидир тушуниш ва юзага келган ҳолатга тезкор ўз муносабатини билдириш мумкин бўлган воқеаларни лўнда ва пухта режалаштириш ўша системани ташкил этади.

Умуман, репортёр «энг биринчи» ахборот манбаларини излар экан, ҳаётнинг турли жабҳадаги ҳар қандай қизиқарли, ғалати ҳолатларига тайёр туриши лозим. Катта-кичик газета-ю радиога ҳам журналистдан ҳар қандай вазиятда воқеа содир бўлаётган жойдан оммага хабар беришга интилишни талаб қилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар қандай телестанция бераётган сюжет янгиликларининг тенг ярми кечиккан (тезкорликдан ташқари) хабарларни сўнгги воқеа сифатида эфирга кетади (масалан, бирор илмий янгилик ёки сайёрамизнинг бир бурчида эфирга ховлиқмалик билан тез бермаса ҳам бўладиган ғайриоддий кўча ресторанидан олинган сюжет). Бу ҳолат «воқеа сабаб» тарзида тез-тез қўлланилиб турилади. Съёмка жараёнида репортёр бўлгуси эфирга кетажак материалнинг ҳар бир жиҳатини синчиклаб кўриб чиқади, ҳарчанд съёмка ва монтаж мавжуд қонуниятларга бўйсунганини билса-да. Қонуниятлар эса вақтни қай тарзда белгилашга боғлиқ: агар 20 секундли сюжет бўлса, воқеанинг умумий жиҳатлари олиб кўрсатилади, бундан кенгроқ, 60-70 секундли бўлса, у ҳолда сюжет композицияси ва драматургия элементлари ҳақида бош қотиришга тўғри келади. «Ҳар бир информация сюжети, - деб ёзган эди Н-В-С (эн-би-си) нинг тунги янгиликлар продюсери Ройвен Франк, - ўзининг аниқ структураси, зиддиятли нуқталари, муаммоси ва унинг ечими, ривожланиш йўли ва самараси, бир сўз билан айтганда, боши, ўртаси ва ниҳоясига эга бўлмоғи шарт».

Одатда барча тележурналистика, қўлланмалар авторлари (хоҳ хорижлик бўладими, хоҳ ўзимизники) репортёрларга объектда дастлабки текширувлар ўтказишни, воқеа иштирокчилари билан яқиндан танишишни, съёмка режаларини, суҳбатдошларидан оладиган интервьюларни ўйлашни,

уларга беражак саволларни, репортажнинг умумий сценарийсиини олдиндан белгилашни маслаҳат беришади. Телевидеиияда репортажни эфирга мураккаб шаклда беришда (тўғридан-тўғри эфир, бошловчининг 2 томон билан мулоқоти давомида) журналистдан нафақат махсус тайёргарлик талаб қилинади, балки у ҳар қандай ҳолатда вазиятдан чиқиб кета билиш қобилиятига ҳам эга бўлмоғи лозим. Маълум бир ҳолатлар, айтайлик, репортёрга тўғридан-тўғри эфирда 20-30 минут вазиятни қўлда ушлаб туриш юклатилганда ва интеллект савияси эмас, балки кўп материаллардан яхши хабардорлиги-ю уларни таҳлил қилиб ижодий ёндаша олиши ҳам муваффақиятсизлик олдини олади. Бўлажак воқеани кўрсатув қилишдан олдин суратга олгунга қадар репортёр оператор билан ҳам муносабатини аниқлаб олиши керак. Битта объектни 2 та оператор турли усулда олиши мумкин. Операторлардан объектнинг турли кадрларни эътиборсиз қолдирмаслиги талаб қилинади. Шунинг учун репортёрга хос камера имкониятлари, экран тасвирининг техник воситаларини, оператор билан ишлаш йўл-йўриқларини яхши билиш муҳимдир.

Си-эн-эн (CNN) янгиликларининг бирида биз Яқин Шарқда БМТнинг яна бир ҳарбий операциясини тугаллаб қайтган америкалик ҳарбийларнинг оиласи билан учрашув лаҳзаларини кўрамыз. Унда энг юракни эзидиган лавҳалар берилади: эгизаклар отасининг елкасига осилиб олган; ёш аёл қирувчи самолёт кабинасининг зинасига ёпишиб тушмоқчи бўлган учувчини қучоқлаш учун кутиб тургани ва ҳоказо.

Сўнгги мана шу лавҳада репортёрнинг кадр олишда бош-қош бўлганини, ажойиб лавҳа тайёрлаганини кўришимиз мумкин, чунки телекомпания репортажларда камдан-кам бу сингари жаҳон миқёсида чиройли лавҳани топиш қийин. Худди шундай лавҳалар хусусида Р.Тиррелл ўзининг «Тележурналист вазифаси» номли китобида тўхталар экан, қуйидаги фикрни билдиради: «Репортёр-операторнинг ишини оддий топшириқни бажаришида кўрамыз: гуллар кўргазмасини ҳеч бир изоҳсиз, интервьюсиз суратга олади. Ғарбда бу иш бир киши томонидан бажарилади, ҳам қўлида камерасини ишлата олади ҳам қалами билан бинойидек материал тайёрлайди, шу билан бирга яхши мавзулар топа олади.

Шундай қилиб, репортёр-оператор топшириқни бажариш пайтида, агар у гуллар кўргазмасини суратга олмоқчи бўлса, дастлаб ҳеч бўлмаганда бир қанча чиройли кадрларни камерага тушириши керак. Чунки кутилмаганда қандайдир жамоат ишларига дуч келиб қолиниши, кўргазмада одамлар тўдаси кўпайиб кетиши ёхуд шу атрофдаги кўчада автомобиллар тикилиб туриб қолиши ва бошқа зид ҳодисалар рўй бериши мумкин. «Разведкага» (текширувга) кетган вақт ўз самарасини беради. Съёмкага олинадиган жойга имкон қадар эртароқ бориш тавсия қилинади. Дейлик, янги атиргул нави ҳақида фикр кетяпти; оператор шунга яраша кўргазмадаги бошқа гуллардан айри ҳолда ўша атиргулни тасвирда жилолантиради.

Ҳатто фавқулотда ҳодиса, масалан, ёнғинни съёмка қилиш жараёнида дастлабки текширувнинг имкони бўлмаган чоғда объект ҳолати кетма-кет тасвирга олинаверади. Мутахассис яхши билади-ки, агар ёнғиннинг ўзини экранга олиб чиқса, ундаги алоҳида томонларини кўрсатмаса, томошабин учун бу

гайритабий туюлади. Оператор даставвал ишни ёнаётган объектиинг эътиборли томонларини фон учун излаб топади. Бир жойида ўт ўчириш машиналарининг етиб келиши-ю, тезкор ишга киришиб кетишини суратга олса, яна бошқа бир жойга бориб ўзга бир маназарани суратга олади. Шу тариқа тўхтовсиз ҳаракат ва съёмка жараёнларни ўзгартириб туриш ёнғинни бартараф этиш ҳаракатини жонлироқ чиқишига туртки бўлади.

Одатда ҳар қандай шароитда съёмкага олишда бир қанча аъзолар – репортёр, оператор, унинг ёрдамчиси, видеоинженер, овоз оператори, чироқ усталари ва ҳайдовчи гуруҳ бўлиб ишлашади. Агар гуруҳ тартиб бўйича бўлса, ишлаш осон ва қулай кечади. Бу ҳақида оператор Д. Серебряков шундай ёзади: «Узлуксиз маслаҳатлар ва бир-бирига йўл-йўриқ кўрсатишлар тўхтовсиз ижодий изланишларда кўринади, эпизоднинг айна лаҳзаларини қай тарзда суратга олиш, материални қай усул билан эфирда жонлантириш, қандай янгиликлар билан бойитиш ана шу йўл-йўриқлар самараси бўлади. Тасвирнинг тузилиш шакли драматургияси хусусидаги саволлар биргаликда ечилади». Ўзаро алоқа сўзсиз, қисқа ҳаракатлар билан ҳам кечиши мумкин.

Телехроника, ишида иккита йўл бор. Биринчи йўл: Дастлаб сюжет матни ёзилади (баъзида съёмкагача, воқеагача, масалан, аэропортдаги учрашув, гуллар ёки автомобиллар кўргазмаси) ва бу матн асосида олинажак кадрлар танланади, сўнг матн монтаждан олдин репортёр томонидан ўқилиб, видеолентага ёзилади. Иккинчи йўл: биринчи йўлнинг акси ўлароқ, дастлаб тасвирга олиш, уларни монтаж қилиш жараёнлари бўлади ва шу асосда матн тузилади. Биринчи йўл нисбатан қулай ва ишни тез амалга ошириш имконини бергани учун бу йўл телехроникада тез-тез қўлланиб турилади. Иккинчиси эса, кинематограф анъаналарига яқин ва бундай йўл асосан катта кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар қилинганда қўл келади. Телехроникада унча тезкор бўлмаган репортажлар ҳам берилиши мумкин.

ИЗОҲЛОВЧИ ВА ШАРҲЛОВЧИ.

Биз изоҳловчи ишини кўришга ўтамиз, билинг-ки бу ахборот беришнинг мутлақо бошқа усули бўлиб: «Факт – муқаддас, унга изоҳ бемалол» (бу Ғарбда журналистиканинг асосий қонуни). «Америка овози» тингловчилари - «бу изоҳ Америка Штатининг изоҳи» деган огоҳлантирувга кўникиб кетишган. Шундай қилиб изоҳ – бу фактга муносабат, лекин фактнинг ўзи эмас. Изоҳловчи эса тажрибали журналист, тарихий саволларни еча оладиган, шу соҳа мутахассислигини тушунган, билган, шу соҳа об-ҳавосини, уни баҳолашни билган журналист бўлиши керак. Шундай қилиб, тавфсилотчи янгиликлар программасида намоён бўлиб бирор бир сиёсий муаммони тушунтира бошлашда, Хозиргина берилган ахборотнинг фактига изоҳ бера бошлайди, бу аниқ тарихий – сиёсий контекст бўлади. Ҳамма телевидение ташкилотлари ҳам изоҳловчи олишдан манфаатдор эмаслар. Кўплари (телестанциялар) изоҳловчиларни таклиф қилишни афзал кўриб, ҳар воқеа изоҳи учун таниқли публицист, сиёсатшунос ёки бошқа мутахассисларни таклиф қиладилар, улар телевидениеда ишламайдилар. 1992-1993 йилларда худди шу синов ахборот-

тахлилий «Хулосалар» («Итоги») кўрсатувида қўлланган. Хозир, Ўзбекистон телевидениясининг биринчи каналида ҳар якшанба куни намойиш этиладиган «Таҳлилнома» кўрсатувида ҳам маълум мавзуларни таҳлил қиладиган сиёсатшунослар ва юқори лавозимли кишилар изоҳловчи вазифасини бажариб туради. Лекин ҳар доим эмас. Изоҳлар кўпроқ тингловчининг ўз мулоҳазаларини яхшироқ шакллантиришни енгиллаштиради. Таҳлилий кўрсатувларда мамлакатнинг асосий сиёсий йўналишлари акс этиши лозим.

Редакциянинг вазифаси изоҳловчининг хилма-хил қарашлари нуқтаи-назарини ифодалашга йўл бериш. Аудиторияни умумдемократик қадриятлар ҳамда сиёсат билан ахлоқийлиликнинг ўзаро алоқадорлигидан ташқари материалга ҳолисона муносабат, асосий мазмун, темперамент, зиддиятга берилиб кетмаслик ишонтира олади. Албатта, изоҳ тавфсилотлар муҳокама ва идрок қилиш доирасида ўтказилиб, у ҳар қандай эхтиросни келтириб чиқмаслиги керак.

Репортёрга нисбатан изоҳловчига актёрлик хусусиятлари кўпроқ керак бўлади, чунки сўзлаётганда изоҳловчи шахси ва қиёфаси аудиовизуал алоқанинг муҳим белгиси спфатида хизмат қилади ва ифодаланган сўз таъсирчанлигини оширади ёки унинг тескарисини бўлса самарасини тушириб юборади. Германияда чиққан қўлланмаларнинг муаллифлари фикрича «Миллионлаб аудитория қаршисида сўзга чиқиш кераклигини билиб титроқ босган журналистдан томошабинлар интиқлик билан кутаётганлигини ҳис қилиб сўзлатган журналист яхши таассурот қолдиради. Агар журналист ўзини ортиқча баҳолай кетдими; у ўзини профессионал таназулга биринчи қадамини қўйди, деб ҳисоблайверинг».

Баъзи телеизоҳловчилар сўзга чиққанда «миллионли аудитория» ҳақида эмас, балки телевизор олдида ўтирган бир киши ҳақида гапиради ёки кимнинг фикри билан чиқса, шу киши учунгина сўзлашаётгандай ҳам бўлади. Телекамера ўрнида жонли реал инсонни кўра билиш ва унга мурожаат қилишни билиш қобилияти, телевидениедаги рофессионализмнинг энг зарур белгиларидан бири ҳисобланади-ки, агар бўшлиқ деб қаралса борми, бу куруқ суҳбат бўлиб қолади. Одатда изоҳловчи ўқиладиган текстни ёзиб олади ва уни оғзаки нутқ усулида ўқиб эшиттиради. Бу ҳақда томошабин асло билмаслиги керак, бу чиқиш импровизациядек туғилади (яна қайта айтамыз, агар олдимизда профессионал тафсилотчи бўлсагина). Яна қадимги греклар тахмин қиладиларки, сўзловчининг санъати 3 бўлакка бўлинади: нутқни ёзиб олиш, уни ёд олиш ва уни ўқиб эшиттириш. Бизнинг давримизга келиб, шу қадим одатлар инкор қилинишига жиддий ҳаракатлар қилинаяпти. Агар журналист ўзига ишонса, муҳим кўрсатилган вақтда ҳамма нарсани ўз жойига қўйиб, аниқ, сўзлари билан сўзларини чархлаб, образли қилиб, иборалар билан изоҳлаб, фикрларини равшан, мазмунли қилиб ифодалашга эриша олса, ёзиш, ёдлашга ҳожат қолмайди.

Агар изоҳловчи телесуфлёрдан фойдаланса, унинг иши бироз енгиллашади, яъни бемалол, бежавотир томошабин кўзига қарагандай чалғимасдан ўқий олса. Аммо, бунга ҳам маълум кўникма зарур баъзи архив расмлар заставкаси ортида туриб текст ўқувчи журналистлар эса тафсилотчилик вазифасини умуман енгиллаштириб юборган. Агар Хозир гап Макка шаҳри ҳақида бўлса, экранда 2 йил аввал суратга олинган Макка шаҳри ҳақида, агар сиёсатчи бўлса дарҳол

экранда унинг портрети олиб кўрсатилади. Бу «жанр», бизнинг телеэкранимизда 90-йиллар бошларида ҳақиқий экранбоп ва ахборотларга лиқ тўла, «жонли» чиқиш деб саналган. Лекин, бу чиқиш обрўли, машҳур публицистнинг чиқишига тенг келолмайди. Платон чиройли сўзлаш – қалбни бошқариш санъатидир деб уқтирган. Ахир тафсилот – бу ақл ва қалбга яқин сиёсий фаолият-ку!

Шарҳловчи – алоҳида кишилар билан телекўрсатувда бирор бир нарса ҳақида суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобланади, у ўз шахсий муҳокамаси билан видеотасвирлар мазмунини очиш ва меҳмон билан студияда суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобланади. Одатдагидек, у бой ҳаётини тажрибага эга саёхатчи, бутун ер шарини айланиб чиққан космонавт ёки хизмат кўрсатган шифокор ёки таниқли балерина бўлиши мумкин. Албатта, улар ўз иш фаолияти ва ҳаёти ҳақида чиройли гапира оладиган ҳақиқий зиёли киши бўлиши керак. Яна «камерани сеза билиш» - кўринмайдиган аудитория билан алоқа қилиши қобилияти бўлиши, таниқли кишининг қобилияти – мураккаб нарса тўғрисида, гапира билиш маҳоратида кўринади. Журналист мамлакат ҳаёти ва тинчлик борасида гапирганда кўпинча, унинг сиёсий воқеликлари ҳақида шарҳловчисига айланиб қоладилар. Телевидение кўпинча бу ролга кўпроқ таниқли рўзномадаги публицистларни таклиф қилишади. Бу шундай ҳолки, телевизион кўрсатувларда фикрлаш маҳоратига юқорироқ баҳо берилади.

Шарҳловчининг – изоҳловчилардан фарқи биринчидан у «журналлар» типдаги мураккаб кўрсатувининг муаллифлигини уддалай олиши ва ёки студияда мулоқот олиб бора олиши керак (баъзан шу кўрсатув ўша шарҳловчининг номи билан ҳам номланиши мумкин) иккинчидан, шарҳловчи сиёсий мулоҳазада сиёсий изоҳловчидан баландроқ туриши керак. У тўғривоғи энциклопедист, лекин тарғиботчи ёки ташвиқотчи эмас. Лекин тафсилотчи ёки шарҳловчилик ишларида ҳам умумўхшашликлар бор-ки, уларнинг ҳар иккиси ҳам экранда маълум мавзусида мунозара ва қарашлари билан чиқадиладар. Улар шахси томошабин учун ҳам қизиқ, ҳам таниш. Иккалалари ҳам етук ёшда, етарлича ҳаётини тажрибага эга бўлиб хулосалашга асоси бор, таққослашни билган зиёли кишилар. Яна улар, иккалалари ҳам ёрқин сўз устаси ва публицистик монологларни артистдек ижро этиш маҳоратига эга изоҳловчи ва шарҳловчилардир.

ИНТЕРВЬЮЧИ, ШОУ ОЛИБ БОРУВЧИ ВА МОДЕРАТОР.

Телевизион журналистикада буларнинг учалалари ҳам ҳар хил мутахассисдирлар. Уларнинг тавсифи турлича бўлиб, ўйчан ва матонатли интервьючи, чакқон ва топқир-ҳазилкаш шоумен, кўринишидан вазмин ва бепарво модераторлар ўз кўрсатувларига эга. Бу учликни танлашда улар темпераментига эътибор қилинади-ки, бунга характерининг бошқа белгилари ҳам мос бўлиши керак. Аммо шу учала экран ишининг турларида ҳам кишилар билан мулоқот ётади. Яна бошқа битта муҳим умумий белги бор. Интервьючи, шоу олиб боровчи ва модератор шахсий мулоҳазаларини айтишдан ўзини тияди. Бу изоҳловчи ва шарҳловчилардан фарқи ҳам шунда. Агар шарҳловчи студияга меҳмон таклиф қилиб унга қизиқарли саволларни бериб ташласа,

интервьючи ва шоуменўз маҳоратини кўйилган масалага оддий томошабин ҳаёлига келмаган жавобни топа олиш маҳоратига эга бўлиши лозим. Модератор эса фикрларини кетма-кет, бамайлихотир гапирганда кўп нарсага эришиши мумкин, агар қайсидир ҳамсуҳбатлари фойдасиз бўлган (унинг учун) мавзуга буришга ҳаракат қилса ҳам чалғимасдаи йўналишни тўғри олиб боришни эплай олиши керак.

Интервью билан шуғулланмаган журналист гарчи қолмаган бўлса ҳам-ки, чет эл журналистикасида интервьючи мустақил касб ҳисобланади. Шунга қарамай йирик портрет ва муаммоли интервью сифат жиҳатидан муаммо ахборот ва портрет репортаждан фарқ қилади.

Бу ҳақда интервью жанридаги бўлимда эслатиб ўтилади. Экранда журналистлик қобилият ҳақида гапирганимизда эслатиб ўтиш жоиз: репортёрни факт ва мулоҳаза қизиқтиради; агар у бошқа нарса билан қизиқса (айтгандай, ... ҳақида гапириб беринг) – бу умуман нотўғри. Ахборот интервью жуда қисқа бўлади ва «иш ҳақида»; суҳбатдошнинг психологик тавсифлари эса иккинчи даражали ёрдамчи вазифани ўтайди, холос. Портрет-интервьюда эса психология айнан биринчи планда туради. Муаммоли интервьюда эса суҳбатдош мураккаб вазиятга тушади-да, интервьючи прокуратура терговчисини эслатиб қўйиши мумкин. Интервьюга тайёргарлик кўриш учун бир неча кун талаб қилинади. 30 ёки 60 минут давом этадиган портрет – интервью услуби кўпроқ репортёр ишидан тубдан фарқ қилади.

Америка тележурналистикаси дарсликларида катта интервьюларга тайёргарлик ишлаб чиқилган тортишув режаси билан таққосланади. Агар ахборот – интервьюда умумий вазифани бажариш учун репортёр ва суҳбатдош ходимдек иштирок этса, аудиторияга тушунарли қилиб бирор нарса айтса, бундай интервью бирмунча тайёргарлик билан қилинган ижод маҳсули сифатида томошибинга таъсири сезилади. Бундай интервьюларда асл драматургия бўлиб, бунда жанрнинг ва мазмундорлигининг сири ҳам шунда. Шу ерда нима учун интервьючиларнинг яхшиси кам, деган саволни ўртага қўямиз, қайсиниси муваффақиятга эришган бўлса, баланд гонорар билан таъминланиб машҳур бўлиб кетади. Интервьюда очиқ – ойдин гаплашиш ва ҳайрат нуқталарини топа билиш ва ўзининг актёрлик ва психологик ресурсларини ишга салмоғи, ўзига хос мавқеда, қарашлар билан юксак қизиқиш уйғота олиш, баъзида ҳамдард бўлиш, керак жойларда – шубҳаланиш, баъзида тушунмаганга олиш, суҳбатдошнинг ўз позициясини англашига ёрдам беради. Ёш журналистлар булардан чўчийдилар ва шунчаки суҳбатдошларини ҳаяжондан ёмон эшитган бўлсалар ҳам бош ирғаб турадилар.

Ҳамма телевизион фаолиятларда бўлгани каби, яхши интервьюнинг таъсири узокни кўзлаб тузиладиган режалар натижасида вужудга келади. Интервью шундай мавзуда туриши керак-ки, ўз суҳбатдошининг бемалол мулоҳаза юритиб сўзлашишига ва охир оқибат стратегик режага етиб бориб, янги, ҳаммани ҳайратга солувчи кўринишдаги материални вужудга келтира олсин. Интервью овози ва муҳит таъсир доираси мазмун муҳимлигидан кам бўлиши мумкин эмас: сизнинг суҳбатдошингиз телевизион камера билан эмас, аксинча сизнинг кўзларингиз билан чамбарчас алоқада туриши керак. Тажрибали интервьючилар

суҳбатдош кўзга қараб гаплашадилар ва тушунтириб бўлмас алоқада одамларни шу суҳбатда ушлаб турадилар. Бу ҳақда нутқ санъати дарслигининг таниқли муаллифи П.Сопер «бир ёки уч зиёли кишиларни диққат билан кузатинг, айнан қизиқ мавзу муҳокамаси билан банд бўлганда, бу ерда сиз тортинишни кўрмайсиз, жиддий ва тўғридан-тўғри гаплашилади, биринчи-иккинчисининг кўзига қараб тик, тўғри ёки очик кўз билан бир-бирларига тўғри ўтириб, чуқур ёки ўткир кузатувчанлик билан табассум, бош ирғаш, қўл билан имоларда бир-бирларининг камчиликларини кўрсатиб турилади. Мулоқотни ҳис қилиш, ҳудди суҳбатдошларни электр токига улаб қўйилгандек ўзаро диққат-эътиборни ушлаб туради».

Телевизион-интервьюни айнан мана шундай, камера, ёритгичларсиз (чироқ, студия ва бошқа техник ускуналарсиз) ҳам табиийликни сақлаган ҳолда тайёрлаш мумкин. Бунақа сунъийликларни (ёритгич, студия ва ҳоказо) ёдига туширмай, фикрларни бир жойга жамлаб мулоқот қилишда интервьючи суҳбатдошга ёрдам қилади. Агар кўзлар бир-бирига тўғри туриб мулоқот қилинмаса, демак интервью йўқ. Бу фақат кўпроқ ёки озроқ бир-бири билан боғланган сўзлар серияси бўлиб қолади холос.

Олий тоифали интервьючининг позицияси суҳбатдошга нисбатан ҳар хил – чуқур ҳамдардликдан тортиб то ҳазил даражасигача бўлиб, токи ҳар қандай ҳолатда ҳам мулоқот базасини қура билмоқ даркор. Яъни психологик деворни бузиб ўтиш зарур ёки россияча муомалада «мен сизни ҳурмат қиламан» тушунчаси билан мулоқот қилинмоғи керак.

Ғарбда охириги пайтда телеинтервьючилик касби – азалдан эркаклар иши бўлиб, «темир» мантиқ ва ирода сифатлари бўлиб, бунга аёллар ҳам дўндирганлар. Энди катта ҳажмдаги интервьюлар – шундай шахсий иш-ки, бу ерда, ман қилинган нарсаларга умуман тегиб ўтиш беърин: «нимадир ярашади, ярашмайди» дейиш, бошқага тегиб кетиши мумкин деган истиҳолага бормаслик керак. Ларри Кинг бир қоидани изоҳлайди: ҳеч қачон олдиндан жавоби маълум саволни берманг, дейди. Бошқалар, аксинча, билиб-тушуниб туриб суҳбатдошдан қизиқ жавоблар олинадиган саволга тутати. Масалан, Юрий Черниченко эслайди: «Кўрсатувда мен агар картошка ҳақида сўрасам, жавобдан кўра кўпроғини ўзим яхши билган бўламан». У ёки бу иқдорликни эшитиш учун ёки нозик масалаларни билиш учун – савол шакли ўзгартирилиб берилади. Бундай усул яхши натижага олиб боради.

ЯНГИЛИКЛАР ОЛИБ БОРУВЧИ.

Ахборот кўрсатувларида репортёр сифатида иш бошлаш журналист учун янгиликлар кўрсатувини олиб борувчиси даражасига етишишда катта ишонч ва масъулият юклайди. Чунки у жуда кўплаб шу кун воқеалари билан томошабинларни таништиради ва улар ишончига киради. Журналистика факультетининг биринчи курсига кирган ҳар бир талаба бунга орзу қилади. Лекин у орадан ўн йиллар ўтиб уларнинг камдан камига бундай обрў насиб этади. Шу ўринда К.С.Станиславскийнинг «Актёрнинг ўз устида ишлаш» деб номланган китоби жуда фойдалидир. Унда актёрнинг саҳнада томошабинлар

олдида бемалол ўтира олиши катта мактаб эканлиги таъкидланган. Лекин театр билим юртининг барча талабалари ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаганлар. Бу ҳолни томошабинларнинг салобати босиб қолди деб изоҳлашади. Бир кишига узоқ вақт эътибор билан қараб, унинг кўнглидаги кечинмаларни хис этишга ҳаракат қилиш мумкин. Театр танқидчиси А.Свободин адолатли таъкидлаганидек «Телевидениеда кўрсатув олиб борувчи бўлиши учун шахс алоҳида кўриниш ва характерга эга бўлиши шарт эмас, аксинча телеэкранда яққол кўриниб қоладиган нуқсонлардан ҳоли бўлиши керак».

Янгиликларни олиб борувчи журналист ўз фикри, муносабатини билдириш, томошабинларни ўқитиш учунгина диктор ўрнини эгаллагани йўқ. Аслида журналист ҳам диктор каби ёзилган суфлердаги текстни ўқиб беради. Аммо томошабин у ўқиётган гапга, воқеа тафсилотига ишонади. 1992-93 йиллари, яъни демократия ривожланган пайтда янгиликларни олиб борувчи айрим журналистлар импровизация қилишда (ёддан айтиб бериш) артистлик қобилиятларини ҳам намоиш этдилар, лекин кўп ҳолларда бу ўзини оқламади. Масалан, парламент раҳбари ҳарбий самолётда учиб келди дейиш ўрнига, у ўзининг сиёсий мақсадлари йўлида ҳарбий самолётдан фойдаланди, деб юборди. Бундай айтилган гап янгилик олиб борувчини ноқулай вазиятга олиб келади.

Яхши кўрсатув олиб борувчи оддий текст ўқиб берувчидан фарқланиши керак. Янгиликлар олиб борувчи чиройли бўлиши шарт эмас, балки ўзининг олиб бориш қобилияти билан тингловчиларга ёқиши, кўпол бўлмасдан демократ бўлиши, воқеликни тушуниш унинг юзидан, қиёфасидан сезилиб туриши лозим. У ўзини эркин тутиши зарур. Янгилик ёки хабарни олиб борувчининг ўзи топгани йўқ. Лекин у хабарни лўнда қилиб тўлдириб, қизиқарли этиб етказилиши шарт. У ўзини бошқалардан юқори, ақлли тутмаслиги, аксинча у турли хабарлар орасида эканлиги ва улар билан томошабинларни хабардор этишга интилаётганлигини кўрсатиши даркор.

Американинг таниқли ёзувчиси Норман Мейлер телевидениени доимо мамлакатдаги хотиржамлик ва барқарорлик тимсоли деб атаган эди. Лекин россиялик тадқиқотчилар фикрича буни унчалик тўғри дейиш қийин. Машҳур тележурналистларнинг юксак телевизион журналист сифатидаги таланти ва касбининг устаси эканлиги, ўз ҳис-ҳаяжонини ифодалаш, ўзини тута билиши, ҳар қандай оғир ва жиддий сиёсий вазиятлардан ҳам дадил чиқиб кетишига имкон бермоқда. Айни пайтда, у томошабинни воқелик ҳақида энг тўғри, энг ишончли, энг зарур ва янги маълумотлар бераётганлигига ишонтира олади. Икки тузум ўртасида қарама-қаршилик кучайган пайтда таниқли совет журналисти Г.Оганов «Си-би-эс» компанияси телеянгиликларининг олиб борувчиси фикрини шундай деб ёзган эди: (айни пайтда, Америкадаги телеянгиликлар олиб борувчиларнинг камдан-ками унга ёқар эди). «Бу омманинг ҳуқуқи, ижтимоий адолат йўлидаги курашни кучайтиришга таъсир ҳам этмайди, омма фикрини жунбушга келтиришга хизмат ҳам қилмайди. Янгиликлар бўлимида биз ўзимиз кўрсатаётган янгиликлар, шарҳлаётган воқеалар ҳақида ўз фикримиз, муносабатимиз ёки ҳис-туйғуларимизни изҳор эта олмаяпмиз, чунки бу рўй берган воқеа ёки манзаранинг объективлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин, дейишди телекомпания янгиликлар бўлимидагилар». Аммо, собиқ Совет

Иттифокидаги «Время» дастури дикторларига Сиёсий бюро томонидан қабул қилинган «доно қарорни» ўқиш пайтида ўзининг кўтаринки кайфияти ва ҳайрихоҳлигини яширмаслик ҳуқуқи берилган ва бунда улар ўз қобилиятини намойиш этиб боради. Телевизион янгиликлар оммани курашга чорловчи восита бўлиб хизмат қилмаслиги зарур. Ҳеч бир мамлакатда телеянгиликларни сиёсий кураш курули воситаси сифатида фойдаланилмайди.

Телеянгиликларни олиб боровчидан томошабин диққатини ўзига қарата олиб, бундай ҳолатни охириги дақиқага ушлаб туриш қобилиятига эга бўлишни талаб қилинади. Гўё соҳилга лангар ташланган кемадек тамошабинни ҳам шундай тутиб туриш имкониятига эга бўлиш зарур. Шунинг учун бўлса керак АҚШ телеянгиликлар олиб боровчи машҳур журналистларни anchor man – яъни «лангар – одам» деб ҳам аташади. Энди улар қаторига кўп серияли телефильмлар, ток-шоулар қўшилди. Лекин ҳар қандай таниқли журналист туркум фильмларда ҳам ўзига хослиги, услубига, демократик, бадиий мушоҳадасига содиқ қолиши лозим. Ана шундай тажрибали, қобилиятли ижодкорларга шогирд тушган ёш журналист ҳам ўз ижоди бошида уларга ўхшашга интилсада аста-секин экранда фақат ўзига хос йўли, услубини топа билиши зарур. Тележурналистиканинг фахрийларидан бўлган бир ҳамкасбимиз шундай деган эди: «Тахтага ҳар ким ҳам мих қоқа олади. Биров болға билан ўн марта уриб, икки марта кўлига теккизиб сўнг михни киритса, ҳақиқий уста бир ёки икки урганда киритиши мумкин. Чунки унда тажриба бор-да!» Журналист ҳам ана шундай тажрибани эгаллаб бориши лозим. Журналист бир неча юз репортажни тайёрлаб, устозлари кўригидан ўтказиб намойиш этгандан кейингина ана шундай тажриба йўлига киради. Фақат кўрсатув қоқилган михдай бир-бирига ўхшаб қолмаслиги керак!

Саволлар:

1. Муҳаррир вазифаси ва фаолияти.
2. Чет эл тележурналистлари маҳорати.
3. Янгиликлар олиб боровчи тележурналистнинг ўзига хос хусусияти.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Оммавий ахборот воситалари ҳақида» тўплам – Тошкент. 1997.
2. Бакулев Г.П. «Телевидение без границ» – М., 1994.
3. Борецкий Р., Кузнецов Г. «Журналист ТВ: за кадром и в кадре» – М., 1990.
4. Вачнадзе Г. «Всемирное телевидение» – Тбилиси, 1989.
5. Вильчек В. «Под знаком ТВ» – М., 1987.
6. Голушко Р.И. «Телевидение капиталистических стран» – М., 1980.
7. Голядкин Н.А. «ТВ информация в США» – М., 1996.
8. Голядкин Н.А. «Телепрограммирование в США специфика и приёмы» – М., 1997.
9. Егоров В. «Телевидение: теория и практика» – М., 1993.
10. Муратов С.А. «Правовые принципы тележурналистики: Опыт этического кодекса» – М., 1996.
11. Мўминов Ф. «Журналистика ижтимоий институт сифатида» – Т., 1999.
12. Саппак В. «Телевидение и мы» – М., 1988.
13. Сиберт Ф., Шрам У., Питерсон Т. «Четыри теории прессы» – М., 1998.
14. «Справочник для журналистов стран Центральной и Восточной Европы» – М., 1993.
15. Система средств массовой информации России (Под. Ред А.Н.Засурского) – М., 1995.
16. «Телевидение и выборы» – М., 1996.
17. «Телелабиринты» – М., 1988.
18. «Телевидение и радиовещание за рубежом» Изд. «ВИПК» – М., 1990, 1991, 1992, 1993.
19. «Телевизионной журналистики» – М., 1994.
20. «Television system United state of Amerika» – New York, 1989.
21. Фенг И. «Теленовости: секреты журналистского мастерства» – М., 1994.
22. Юровский А. «Телевидение – поиски и решение» – М., 1989.
23. Юровский А., Багиров Э., Борецкий Р. «Основы телевизионной журналистики» – М., 1987.